

Р.М.Аҳмедов, Н.Н.Наимов

Бухоро тиббиёти тарихи

Бухоро – 2009

“Бухоро тиббиёти тарихи” китобини ёзишда яқиндан ёрдам берган профессорлар. Б.А.Ҳидоятлов, С.Х.Умаров, доцентлар Х.А.Қосимов, Қ.С.Турсунов, Ф.Э.Нурбоев, Н.Х.Воҳидов, У.Н.Нуров, И.А. Мирхўжаев, У.Х.Хасанов, О.Ш. Эшонларга самимий миннатдорчилик билдирамиз.

(китобнинг 2-қисми)

<http://buhmi.fan.uz/tematik/tematik1/tarix/tarix1.htm>

Институтда ўқув - услубий жараён



Б.А.ҲИДОЯТОВ,

Бухоро Давлат тиббиёт институти проректори, одам анатомияси ва ОХТА кафедраси мудири: тиббиёт фанлари доктори, профессор:

—Мустақиллик йилларида институтда ўқув-услубий ишлар тубдан ўзгарди. Биринчи навбатда шахсан Президентимиз И.А.Каримов ташаббуслари билан 1997 йил 29 августда “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” ҳамда “Таълим тўғрисида” Қонунлар қабул қилинди. Бунда узлуксиз таълим тизими, хусусан олий таълимнинг бакалаврият ва магистратура босқичлари ҳамда дипломдан сўнг узлуксиз малака ошириш жорий этилганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” жаҳон олимлари томонидан тан олинди ва бу дастур бир қанча ўн йилларга таълим тизими соҳасида асосий дастур бўлиб қолмоқда.

Институт ташкил бўлган йили ўқув ишлари проректори лавозимига доцент Ш.Т.Салимов тайинланган. Ушбу лавозимга 1992 йилда тиббиёт фанлари доктори, профессор Р.Ю.Омиров тайинланиб, 1996 йилгача фаолият кўрсатдилар. Шундан кейин Соғлиқни сақлаш вазирининг буйруғига биноан ўқув ишлари проректори лавозимига тиббиёт фанлари доктори, профессор Б.А.Ҳидоятлов тайинланди.

Айни маҳалда тиббий таълим соҳасида барча меъёрий ҳужжатлар янги талаблар асосида қайта ишлаб чиқилди ва тадбиқ қилинди. Хусусан, барча йўналишлар бўйича Давлат таълим стандартлари ишлаб чиқилиб, уларда ҳар бир блок ва фанлар бўйича билим ҳажми ва амалий кўникмалар аниқ кўрсатилди, намунавий ўқув режалари ишлаб чиқилди, ҳамда

унинг асосида ишчи ўқув дастурлари тузилиб, улар фан ривожланиши ақс эттирувчи янгиликлар, янги адабиётлар, интернет маълумотлари билан тўлдирилиб борилиши йўлга қўйилди.

Шуни ҳам айтиш лозимки, тиббиётдаги янгиликлар, даволашнинг янги услублари ишлаб чиқиладигани, назарий чуқур билимларни амалиётга тадбиқ қилинишини эътиборга олиб 2008 йилда меъёрий ҳужжатларнинг янги авлоди ишлаб чиқилди ва 2008-2009 ўқув йилидан амалда тадбиқ этилмоқда.

Таълим жараёнини янада такомиллаштириш, талабалар билимини объектив баҳолашда олий таълимда рейтинг тизимининг жорий этилиши муҳим аҳамиятга эга бўлди. Рейтинг тизими мунтазам такомиллашиб келмоқда ва талабалар билимини баҳолашнинг асосий омили бўлиб қолмоқда. Барча фанлар бўйича баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилган, тасдиқланган ва тадбиқ қилинган бўлиб, ҳар бир талаба ўз билимини ушбу мезонлар орқали баҳолаш имкониятига эга. Шу билан бирга ҳар бир талабанинг давомати ва билим кўрсаткичлари устидан мунтазам мониторинг йўлга қўйилган.

Шуни таъкидлаш лозимки, билим кўрсаткичларига мос ҳолда стипендия миқдорини белгилаш талабаларни моддий рағбатлантиришда катта хизмат қилмоқда. Академик қарздор талабаларга нисбатан қатъий чоралар кўрилиши, моддий жиҳатдан уларнинг стипендия миқдорини камайтирилиши муҳим аҳамиятга эга бўлаяпти.

“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да кўрсатилгандек, ўқув жараёнига янги педагогик технологиялар тадбиқ қилинди ва таълим жараёни жаҳон талаблари даражасига етказилди. Машғулотлар ўтиши жараёнида ўқитувчиларнинг яққаҳоқимлигига барҳам берилди ва билим олиш жараёнини талабалар фаоллиги билан олиб бориш йўлга қўйилган.

Замонавий педагогик технологияларнинг қуйидаги турлари институтнинг барча кафедраларида кенг жорий қилинган.

Суратда: кафедраларнинг бирида ўқув жараёни.

- Интерактив педагогик услублар, уларнинг 60 дан ортиқ турлари мавжуд бўлиб (“Мия штурми”, “Қор уюми”, “Мойчечак”, “Кроссворд”, “Галерея бўйича турне”, “Стол ўртасида ручка” ва бошқалар), ҳар бир кафедра ўз хусусиятларидан келиб чиқиб, уларни амалда тадбиқ қилишни йўлга қўйган. Ушбу услублардан кенг фойдаланиш учун профессор-ўқитувчилар билан бир неча бор семинарлар ўтказилди ва машғулотлар видеотасмага ёзиб олиб, ўзаро тажриба алмашилди. Ўтган даврда интерактив услубларни жорий қилиш бўйича 50 дан ортиқ услубий қўлланмалар чоп этилди.

- Объектив тизимли клиник имтиҳон (OSCE) услуги барча клиник кафедраларда жорий этилган бўлиб, талабаларнинг амалий кўникмаларини баҳолашда асосий аҳамият касб қилган. Имтиҳон топширувчи турли станциялардан ўтиб, ҳар бир топшириқни бевосита бажариб кўрсатиши лозим. Ушбу топшириқ бажарилиши босқичлари аниқ баҳоланиб борилади ва якуний кўрсаткич аниқланади. Бунинг учун кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан услубий қўлланмалар яратилди ва чоп қилинди. Шунини айтиб ўтиш лозимки OSCE услуги ривожланган мамлакатларда кенг қўлланилади. Институтда ҳам Якуний давлат аттестацияси, фанлар бўйича якуний баҳолаш OSCE услугида ўтказилиши йўлга қўйилган.

- Ўқув мультимедиялар ва видеофильмлар яратиш ва уларни ўқув жараёнига тадбиқ қилиш йўлга қўйилган. Маълумки, тиббий таълим соҳасида бевосита кўриш катта аҳамиятга эгадир, бунда жараённи кўз олдимизга келтириш ва уни бажариш анча енгиллашади. Ҳозирга келиб институтда барча профессор-ўқитувчилар томонидан ҳамма фанлар бўйича 1200 та дан ортиқ ўқув мультимедиялари, 70 тадан ортиқ видеофильмлар яратилган ва улардан кенг фойдаланилмоқда.

Суратда: мультимедиялар ва видеофильмлар студияси.

- Бу ишларни амалга ошириш учун институтда 2002 йилда махсус “Мультимедиялар ва видеофильмлар яратиш студияси” ташкил қилинган бўлиб, унда барча керакли сканерлар, бластерлар, 10 дан ортиқ “Pentium IV” русумли компьютерлар, видеомагнитофонлар, телевизорлар мавжуд. Уларни машғулотлар ўтказишда қўллаш учун 13 та видеопроекторлардан мунтазам фойдаланиш йўлга қўйилган. Институтда Республикада биринчилар қаторида масофадан ўқитиш тизими жорий қилинган бўлиб, 2003 йилдан буён бу соҳада фаолият кўрсатилмоқда. “Масофадан ўқитиш Маркази” ёрдамида Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Андижон, Гулистон шаҳарларидаги олий ўқув юртлири билан телемулоқотлар, тиббиётнинг долзарб муаммоларига бағишланган очик лекциялар, Ўзбекистон ва Россиядаги етук олимлар билан семинарлар ўтказилди. Хусусан ёшлар орасида Президент И.А.Каримов асарларини ўрганиш, миллий истиқлол ғоясини чуқур сингдириш бўйича Гулистон давлат университети талабалари билан ўтказилган телеконференция чуқур таассурот қолдирди. Ҳозирги пайтда турли касалликларнинг олдини олиш, йод етишмовчилик ҳолатини, темир танқислигини бартараф қилиш ҳамда замонавий дори препаратларини қўллашга бағишланган видеоконференциялар ўтказилмоқда.

2005 йил 5 апрель ойида замонавий педагогик технологияларни жорий қилиш бўйича институт профессор-ўқитувчилари томонидан республика конференцияси ўтказилди, унинг ишида нафақат тиббиёт институтлари ўқитувчилари, балки бошқа университет профессорлари фаол иштирок этдилар.

Институтда талабаларнинг чуқур билим олишларини, амалий кўникмаларни ривожлантириш учун моддий- техника базаси мавжуд. Хусусан, умумий амалиёт врачлари тайёрлаш учун 2 та Марказ ташкил қилинган бўлиб, улар Жаҳон банки ёрдамида барча асбоб ускуналар, компьютерлар, кўпайтириш техникалари, видеокамералар билан таъминланган. Шунинг айтиб ўтиш лозимки ушбу “Умумий амалиёт врачлари тайёрлаш Марказлари”да охириги 10 йил давомида Навоий, Қашқадарё, Сурхондарё, Бухоро вилоятларидан қишлоқ врачлик масканлари врачлари ўз малакаларини оширмоқдалар.

Шу билан бирга бу Марказлар поликлиникаларда жойлашган бўлиб, аҳолига умумий амалиёт врачлари сифатида тиббий ёрдам кўрсатадилар. Бу ўқув жараёнининг бевосита даволаш, профилактика ишлари билан интеграллашув асосида ташкил қилинганлигини кўрсатади.

Суратда: УАСИ маркази фаолиятдан лавҳалар.

Институт моддий-техника базаси тобора мустақамланиб бормоқда, сўнгги йилларда Хитой халқ республикаси кредити асосида жуда қимматбаҳо ультратовуш рақамли рангли сканерлар, вирусли касалликларни диагностика қилувчи анализатор, қоннинг шаклли элементлари ва таркибини аниқловчи асбоб- ускуналар олиб келинди ҳамда улардан ўқув жараёнида ва даволаш-диагностикада фойдаланиб, беморларга бевосита ёрдам кўрсатиш йўлга қўйилмоқда.

Талабаларни ўқитиш жараёнида турли ҳолатларни моделлаштириш катта аҳамиятга эгадир. Шунини ҳисобга олиб, институтда махсус ўқув лабораторияси ташкил қилинган. У юрак, нафас олиш тизими аъзолари, кўз касалликлари, ЛОР аъзолари ва бошқа аъзоларнинг касалликларини имитация қилувчи моделлар билан жиҳозланган бўлиб, улар ҳам ўргатувчи, ҳам диагностик билим даражасини аниқловчи замонавий тиббий қурилмалардир. Улардан аускультация усули билан юрак хасталиклари, ўпка касалликларига аниқ ташхис қўйишда фойдаланиш катта аҳамиятга эгадир.

Институтда ўқув жараёнини янги авлод дарсликларисиз, ўқув қўлланмаларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Президентимиз қарорига биноан институт таркибида ахборот-ресурс Марказлари ташкил этилиши катта воқеалар қаторига киради. Ушбу АРМ 2007 йилда ташкил қилинишига қарамасдан, институтдаги умумий китоб фонди 16 минг нусхага, дарслик ва ўқув қўлланмалар сони эса 76 минг нусхага етказилди. Ҳозирги пайтда асосий эътибор лотин алифбосида чоп этилаётган дарслик ва ўқув қўлланмаларини кўпайтиришга қаратилган бўлиб, уларнинг сони 8,5 минг нусхани ташкил этади. АРМ фонди ўзбек тилидаги

китоблардан ташқари Россияда чоп қилинган дарслик ва ўқув адабиётлари билан мунтазам тўлдириб борилмоқда. Жаҳон талабларига жавоб бера оладиган мутахассислар тайёрлаш учун қарийб 9,0 минг нухани ташкил этувчи АҚШ, Буюк Британия, Германияда чоп этилган инглиз тилидаги дарсликлардан, уларнинг электрон вариантларида келтирилган маълумотлардан лекция ва амалий машғулотлар ўтишда кенг фойдаланилмоқда.

Суратда: ахборот-ресурс маркази ўқув зали.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, АРМ таркибида биринчилардан бўлиб электрон кутубхона ташкил қилинди ва унда 15 та “Pentium IV” русумли компьютерлар ўрнатилди. Институтдаги электрон шаклдаги ўқув адабиётларининг умумий сони 500 тадан ортиқ бўлиб, электрон дарсликлар, уларнинг электрон варианлари, институт профессор-ўқитувчилари томонидан чоп этилган дарслик ва ўқув қўлланмалар, очиқ лекциялар материаллари, услубий қўлланмалар шулар жумласидандир. АРМ интернет тизимига уланган. АРМ институт профессор-ўқитувчилари ва талабаларидан ташқари 2 та филиали ёрдамида қишлоқ аҳолисига ҳам хизмат кўрсатиб келмоқда. Асосий ютуқлардан бири бу АРМга Россияда чоп этиладиган 51 номдаги илмий тиббий журналларнинг охириги 10 йил давомида мунтазам олиниши ва фан янгиликларини ўқитувчилар ва талабаларга етказишдан иборатдир.

Институт профессор-ўқитувчилари томонидан охириги 3 йилда тайёрланиб, вазирликлар грифини олган ва чоп этилган дарсликлар сони 8 тани, ўқув қўлланмалар сони эса 23 тани, услубий қўлланмалар сони эса 150 тадан кўпдир.

Институтда ўқув жараёнини компьютерларсиз, замонавий ахборот технологияларисиз тасаввур этиш қийин. Институт компьютерларининг умумий сони 251 тани ташкил қилган бўлиб, уларнинг асосий қисмини замонавий “Pentium IV” русумлилар ташкил қилган ва улардан ўқув жараёнида бевосита фойдаланилади. Институтда махсус “Интернет хонаси” ташкил қилинган бўлиб, ундан талабалар ва

Ўқитувчилар фойдаланиши учун барча шароитлар яратилган ҳамда бир вақтнинг ўзида 22 та компьютер билан уланиш имконияти мавжуд. Институт барча кафедралари ва бўлимлари ўзларининг веб-саҳифаларини тузиб, уларни институт ва кафедра янгиликлари билан мунтазам тўлдирмоқдалар, сайтларида фан янгиликлари, кафедра илмий ишлари ва ҳаёти тўғрисида маълумотлар киритилмоқда.

Суратда: Институт интернет зали.

Институт ахборот технологиялари маркази Ziyonet тизимига уланган бўлиб, кафедраларнинг ўқув - услубий мажмуалари, ўқув жараёнига тегишли маълумотлар ушбу тизимга киритилган ҳамда талабаларнинг улардан фойдаланиши учун барча шароитлар яратилган.

Фурсатдан фойдаланиб, Одам анатомияси кафедраси тарихини ҳам баён этсам мақсадга мувофиқ бўлади. Кафедра 1990 йилнинг 1 октябрида ташкил қилинган. Кафедранинг биринчи мудирини доцент К.Р. Очилов бўлган (1990-1996 йиллар), Шундан кейин кафедра мудирини вазифасини мен бажариб келмоқдаман.

Ҳозирги пайтда кафедрада тиббиёт фанлари доктори, доцент Ш.Ж.Тешаев, доцентлар К.Р.Очилов, Н.Л.Бобомуродов, А.Б.Ражабов, ассистентлар Н.Э.Тўхсанова, М.Ч.Бойқулов, Н.Р. Темирова, Н.Н.Базарова, магистр Н.К.Рўзиева, лаборантлар С.Х.Ибрагимова, М.О.Сафаров, М.Икромова фаолият кўрсатмоқдалар.

Кафедранинг илмий фаолияти йўналиши “Ички аъзоларнинг лимфид тузилиши ва турли хил кимёвий таъсирлар ва пестицидлар таъсирида унда содир бўладиган ўзгаришлар, овқат ҳазм қилиш аъзоларининг микроциркуляция ҳавзасига турли факторларнинг таъсири”дир. Айни маҳалда шу йўналишда илмий ишлар олиб борилмоқда.

Кафедрада кейинги йилларда доцент Ш.Ж.Тешаев тиббиёт фанлари доктори, М.Ф.Маматназарова, Ш.Ж. Тешаев, Г.М. Ахмедова, Н.Л. Бобомуродов, А.Б.Ражабов тиббиёт

фанлари номзоди диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилдилар.

Оператив хирургия ва топографик анатомия кафедраси 1991 йилда ташкил этилиб, унинг мудири лавозимига тиббиёт фанлари доктори, профессор Ч.Й.Қурбонов тайинланган эди. Кафедранинг илмий фаолият йўналиши “Экологик носоғлом муҳитда, турли кимёвий факторлар таъсирида ички аъзоларда келиб чиқадиган ўзгаришларни аниқлаш”. Кейинчалик иккала кафедра бирлаштирилди

Кафедра ходимларининг бевосита иштирокида Бухоро шаҳрида 2008 йил 14-17 май кунлари Халқаро морфологлар ассоциациясининг IX конгресси бўлиб ўтди, унда ўзбекистонлик олимлар билан бир қаторда Европа ва Ҳамдўстлик мамлакатларидан 150 нафардан ортиқ олимлар иштирок этдилар.

ИНСТИТУТДА ИЛМИЙ- ТАДҚИҚОТ ИШЛАРИ



С.Х.УМАРОВ,

Бухоро Давлат тиббиёт институти проректори, Тиббий физика, биофизика, информатика ва информацион технологиялар кафедраси мудир, физика-математика фанлари доктори, профессор:

—Институтнинг илмий – тадқиқот фаолияти Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, Вазирлар маҳкамасининг қарорлари, Олий ва Ўрта махсус таълим ҳамда Соғлиқни Сақлаш вазирликларининг буйруқлар, Бухоро минтақасида касалланиш ҳолатларининг таҳлилий хулосалари инобатга олинган ҳолда ташкил қилинган.

Институтда илмий - тадқиқот ишларини амалга ошириш ва уни бевосита тиббиёт амалиётига тадбиқ этиш бевосита илмий ишлар проректори зиммасида бўлиб, бу вазифани 1992 – 1996 йилларда тиббиёт фанлари доктори, профессор Р. М. Аҳмедов, 1996 – 1999 йилларда тиббиёт фанлари доктори, профессор С. С. Агзамходжаев, 1999 – 2004 йилларда тиббиёт фанлари номзоди, доцент Р. Д. Давронов, 2004 – 2005 йилларда тиббиёт фанлари номзоди, доцент М. Б. Уринов, 2005 – 2006 йилларда доцент Р. Д. Давронов бажарганлар. 2006 йилдан бу вазифани мен бажариб келмоқдаман.

Профессор Р. М. Аҳмедов проректор вазифасида фаолият кўрсатган 1992 йилда у кишининг ташаббуси билан илмий- педагог кадрлар тайёрлаш салоҳиятини кўтариш, илмий-тадқиқот ишларини жаҳон стандартларига мувофиқ

йўлга қўйиш учун институт ҳузурида Марказий илмий-текшириш лабораторияси (МИТЛ), виварий ва клиник кафедралар қошидаги илмий – тадқиқот лабораториялари ташкил қилинди.

МИТЛни 1992 – 1993 йилларда биология фанлари доктори, профессор Н. А. Раҳматов, 1994 йилда- П. И. Исаев, 1995 – 2006 йилларда тиббиёт фанлари номзоди, катта илмий ходим С. Ф. Сулаймонов бошқардилар.

1992 – 1999 йилларда институтда қўйидаги йўналишларда илмий – тадқиқот ишлари олиб борилди:

1. Ноқулай экологик омилларнинг Бухоро минтақаси аҳолиси организмнинг клиник, иммунологик ва биокимёвий кўрсаткичларига таъсирини ўрганиш.

2. Она, бола ва оила саломатлигига таъсир этувчи омиллар, оналар саломатлигини яхшилашнинг комплекс усуллари ишлаб чиқиш.

Бу муаммони ҳал қилиш учун институтнинг хирургик касалликлар кафедраси мудирини, профессор Р. М. Аҳмедов, ички касалликлар кафедраси мудирини, профессор З. Ж. Жалолов, фтизиатрия кафедраси мудирини, доцент Б. Муаззамов, ЛОР кафедраси мудирини, доцент Н. Х. Воҳидов билан шартнома асосида илмий – тадқиқот ишлари олиб борилган, тадқиқот натижалари бўйича 135 та илмий ишлар, шу жумладан: 58 та журнал мақолалари (шулардан 2таси чет элда, 13таси МДХ мамлакатларида, 43таси республика журналларида) эълон қилинган, 16 та услубий қўлланма, 62 та маърузалар матнлари чоп этилган.

Институт олимлари яна қўйидаги устивор йўналишлар бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб бормокдалар:

1. Бухоро минтақаси экологик шароитида ички аъзолар касалликларида иммун ҳолатни ўрганиш ва унинг коррекцияси.

2. Экстрагенитал касалликларда ҳамда турли гестозларда ҳомиладорлик ва туғруқнинг хусусиятлари, асоратлари, профилактикаси.

3. Операциядан сўнгги асоратларнинг олдини олиш ва даволашнинг самарали усуллари ишлаб чиқиш.

Юқорида кўрсатилган муаммоларни ҳал қилишда катта илмий ходимлар С. Ф. Сулаймонов, И. А. Мирхўжаев, кичик илмий ходимлар Б. Ҳамдамов, У. Шарипов, А. Хасанов профессор Р. М. Аҳмедов раҳбарлигида МИТЛда илмий - тадқиқот ишларини олиб бордилар.

МИТЛ институтнинг барча кафедралари билан ҳамкорликда илмий-тадқиқот ишларини олиб бориши туфайли 143 та илмий иш эълон қилиниб, 48та журнал мақолаларидан 4 таси чет элда, 14 таси МДХ мамлакатларида, 46 таси республика журналларида чоп этилган, 17 та услубий қўлланма, 66 та маъруза матнлари ва 1 та монография босилган.

2001 йилдан бошлаб институтда илмий-тадқиқот ишлари институт Илмий кенгаши томонидан тасдиқланган режа ҳамда илмий-тадқиқот ишларининг истиқбол режаси асосида олиб борилмоқда. Улар асосан қуйидаги йўналишларни ўз ичига қамраб олади:

1. Бухоро минтақасининг ноқулай экологик шароитида ички аъзолар касалликларида иммун ҳолатини ўрганиш ва бунда иммунокоррекция муаммолари.

2. Хирургик операциялардан сўнгги асоратларнинг олдини олиш ва даволашнинг самарали усуллари ишлаб чиқиш.

3. Юқумли касалликларни ташхислаш, олдини олиш ва даволашни такомиллаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш.

4. Оналар ва болалар саломатлиги кўрсаткичларини аниқлаш, экстрагенитал касалликларда, турли гестозларда

ҳомиладорлик ва туғруқ жараёнларининг кечиш хусусиятлари, бунда келиб чиқадиган асоратларнинг олдини олиш, даволаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш.

Шу билан бирга институт таркибидаги 33 та кафедра ва курслар, марказий илмий текшириш лабораторияси, умумий амалиёт шифокорлари ва стоматологлар тайёрлаш марказлари, ҳамда айрим, кафедраларга тегишли илмий йўналишлар бўйича ҳам тадқиқотлар олиб борилаяпти.

Институтда илмий-тадқиқотларни режалаштириш ҳамда мувофиқлаштириш ишлари илмий ишлар ва ахборот технологиялари бўйича проректор тасарруфидаги қуйидаги бўлим ва марказлар томонидан амалга оширилади:

- Илм-фан ва ахборот – коммуникацион технологиялар бўлими;
- Иқтидорли талабалар билан ишлаш бўлими;
- Хорижий алоқалар бўлими;
- Масофадан ўқитиш маркази;
- Виварий бўлими.

Институтда илмий-тадқиқот ишлари ва ахборот технологияларини ривожлантириш бўйича олиб борилаётган тадбирлар қуйидаги масалаларни ҳал этишга қаратилган:

1. Институт профессор-ўқитувчилари томонидан олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишларини мувофиқлаштириш ва режали равишда олиб борилишини ташкил этиш.

2. Олинган илмий натижалар муҳокамасини ташкил этиш, уларни оммалаштириш мақсадида турли даражадаги илмий-амалий анжуманларни ташкил этишда фаол қатнашиш.

3. Профессор-ўқитувчилар томонидан амалга оширилган илмий-тадқиқот ишларини экспертизадан ўтказиш ва чоп этишни ташкил қилиш.

4. Институтда илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ишларида фаол қатнашиш.

5. Институтда иқтидорли талабаларни излаб топиш, улар билан ишлашни ташкил этиш, талабаларнинг мунтазам равишда илмий-амалий анжуманларини ташкил этиш.

6. Профессор-ўқитувчилар томонидан амалга оширилаётган илмий-тадқиқотлар натижаларини соғлиқни сақлаш амалиётига тадбиқ этишни ташкиллаштириш.

7. Илмий-педагогик жараёнларга замонавий ахборот – коммунакацион технологияларни жалб этиш.

Институтда ЎзР ФА фундаментал-амалий ва инновацион дастурлар доирасида бир қатор лойиҳалар бажарилган. Жумладан, ЎзР ФА томонидан 2001 йилда Давлат илмий-техника дастурларини бажариш бўйича грант танловида институт профессор-ўқитувчилари 4 та лойиҳалар бўйича қатнашиб, 1 та грант олинди. Бу Р.М.Аҳмедов, С.Ф.Сулеймановнинг «Бухоро вилояти шароитида нормал ва патологик ҳолатларда иммуноэкологик тадқиқотлар» мавзуи эди. 2002-2003 йилларда «Фан ва технологиялар» маркази танловларида профессор-ўқитувчилар 6 та лойиҳалар билан иштирок этиб, 2003 йилда Р.М.Аҳмедов, С.Ф.Сулейманов «Ошқозон-ичак трактининг айрим касалликларида иммун ҳолатни ўрганиш ва иммунокоррекция муаммолари», 2006 йилда «Неврология ва тиббий генетика» кафедраси мудири, доцент М.Б.Ўринов раҳбарлигида «Болаларнинг руҳий ҳолатида темир танқислиги аҳамиятини ўрганиш асосида уларнинг нормал психик ривожланишини таъминловчи тиббий технологияларнинг ишлаб чиқиш», факультет ва госпитал хирургия кафедраси мудири, профессор Р. М. Аҳмедов раҳбарлигида «Операциядан кейинги асоратларни даволаш профилактикасининг янги усуллари ишлаб чиқиш» мавзуларида давлат грантлари олинди.

Умумий амалиёт шифокори тайёрлаш кафедраси ходимлари томонидан «Ўзбекистонда наркотикларни инъекцион йўл билан қабул қилиш хавфини камайтириш стратегияси самарадорлигини иқтисодий таҳлил қилиш», факультет ва госпитал терапия кафедраси мудири (?), доцент К.Ж.Болтаев раҳбарлигида «Қари ва кекса ёшдаги полидефицитли ҳолатни даволаш ва профилактикасининг

тиббий технологияларини яратиш» мавзуларидаги илмий лойиҳалар бажарилмоқда.

Институтда илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш салоҳияти ошиб бормоқда. Илмий-педагог кадрлар тайёрлаш аспирантура, докторантура ва клиник ординатура орқали амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш вазирининг махсус қарори билан 1993 йилдан бошлаб институт аспирантурасига ва 1994 йилдан бошлаб докторантурасига қабул қилиш амалга оширилди. Бунинг натижалари қуйидаги жадвалда келтирилган.

Илмий педагог кадрлар тайёрлаш салоҳияти

Йиллар	Аспирантура	Докторантура	Клиник ординатура	Диссертация ҳимояси: докторлик/ номзодлик
1996 йил	12	-	-	-
1997 йил	14	7	-	-
1998 йил	15	5	16	-
1999 йил	15	-	22	-
2000 йил	16	3	30	0/8
2001 йил	16	3	49	1/8
2002 йил	9	3	51	1/7
2003 йил	7	3	57	0/4
2004 йил	5	2	56	1/4

йил				
2005 йил	2	1	47	2/5
2006 йил	5	-	57	1/9
2007 йил	2	-	83	1/15
2008 йил	7	-	11 2	2/7
2009 йил	6	-	12 2	2/5

Институтда иқтидорли талабалар билан ишлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 1998 йил 10 июлдаги 185-сонли «Иқтидорли талабаларни излаш, аниқлаш ва уларни мақсадли тайёрлаш» тўғрисидаги буйруғи асосида ишлаб чиқилган ва Низомга кўра фаолият кўрсатмоқда. Ушбу Низомда институтда ташкил этилган бўлимнинг мақсад ва вазифалари, умумий қоидалар, иқтидорли талабаларни излаш ва аниқлаш ҳамда улар фаолиятининг асосий йўналишлари, ушбу талабалар билан ишловчи раҳбар профессор-ўқитувчиларни танлаш, ишни ташкил этиш каби вазифалар ўз аксини топган. Ҳар бир иқтидорли талаба учун иш режаси тузилиб, 25 соат қўшимча машғулотлар ўтказилади. Ҳар бир кафедрада фан йўналиши билан биргаликда талабанинг «аъло» баҳоларга ўқиши, компьютер саводхонлиги, хориж (инглиз, немис, француз) тилларидан бирини билиши, рус тилини мукамал даражада ўзлаштиргани, маънавий-ахлоқий дунёқарashi, талабалар илмий жамияти ишларида фаоллиги эътиборга олинади. Жумладан, 2004 йилда ОУМТВ томонидан ишлаб чиқарилган Низом ва институт ректорининг махсус буйруғига асосан институтдан 13 та фан йўналишлари бўйича иқтидорли талабалар Республика фан олимпиадаларининг II босқичида иштирок этдилар. Шулардан 6 та фан бўйича институт талабалари фахрли I-II-III ўринларни эгалладилар. Институт бўйича иқтидорли талабаларнинг сони 2001 йилда 117

нафарни, 2002 йилда- 128, 2003 йилда- 132, 2004 йилда- 142 , 2005 йилда- 148, 2006 йилда -156, 2007 йилда- 186, 2008 йилда- 203 нафарни ташкил этади.

Шунга мос равишда йилдан йилга иқтидорли талабаларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ибн Сино Давлат стипендияси танловларидаги иштироки сони ҳам ошиб бормоқда. Жумладан, 2003 йилда Ибн Сино Давлат стипендияси соҳиблари 3 нафарни ташкил этди, 2004 йилда эса 1 талабамиз Ибн Сино Давлат стипендияси соҳиби бўлди, 1 талабамиз Президент Давлат стипендияси танловида фаол қатнашди. 2005-2006 йилларда 1тадан талаба, 2007 йилда 2 талаба, 2008 йилда 1 талаба Ибн Сино давлат стипендияси соҳиби бўлдилар.

Иститутда 1993 йилдан бошлаб анъанавий шаклда талабалар илмий жамиятининг йиллик конференциялари, ҳар 2 йилда бир мартаба институт ёш олимлари конференциялари ташкил этиб келинмоқда. Илмий жамияти конференцияларида фахрли ўринларни эгаллаган талабалар маърузаларининг тезислари илмий тўплам шаклида чоп этиб келинмоқда.

2001 йилнинг 25 апрелида Бухоро Давлат тиббиёт институти базасида Республика тиббиёт институтлари талабаларининг Ўзбекистон Мустақиллигининг 10 йиллигига бағишланган илмий конференцияси ўтказилди. Конференцияда барча тиббиёт институтларидан келган таклифлар асосида 173 та талабалар маърузалари ялпи ва секция йиғилишларида муҳокама этилди. Шу маърузалардан 69 таси (39,8%) Бухоро Давлат тиббиёт институти талабалари томонидан амалга оширилди. Конференцияда фахрли ўрин эгаллаган 42 нафар талабаларнинг маърузалари тезислари тўплам шаклида чоп этилди.

Ҳозиргача институтда ўтказилган талабалар илмий жамиятининг анжуманлари тўпламларида 184 та маърузалар тезислари чоп этилган. Бундан ташқари 12 нафар талабамизнинг илмий ишлари 2002 йилда I Тошкент Давлат тиббиёт институтунинг Урганч филиали 10 йиллигига бағишланган талабалар илмий жамияти IX-республика

анжумани материалларида, 41 та илмий мақолалар турли тиббиёт журналларида чоп этилган.

2000 йилда ўтказилган илмий-амалий анжуманлар мавзулари:

1. «Аёл, оилада ва саломатлик масалалари» халқаро симпозиум. (2000 й.3-4 апрель).

2. Институт талабалар илмий жамиятининг VIII илмий-амалий анжумани (2000 й. 21 апрель).

3. «Ибн Сино таълимоти ва бугунги тиббиёт» илмий-амалий анжумани (2000 й.24 май).

4. Институт ёш олимларининг 1 илмий-амалий анжумани (2000 й.12 май).

5. «Болалар ортопедиясининг долзарб муаммолари» Республика илмий-амалий анжумани. (2000 й. 17 ноябр, Травматология ва ортопедия ИТИ ҳамкорлигида).

6. «Ибн Сино халқаро ўқишлари». Буюк мутаффақир олим Абу Али ибн Сино таваллудининг 1020 йиллигига бағишланган халқаро илмий-амалий анжуман (2000 й. 12-13 сентябр, Ибн Сино халқаро жамғармаси ҳамкорлигида).

2001 йилда ўтказилган илмий-амалий анжуманлар мавзулари:

1. Республика тиббиёт институтлари талабаларининг Ўзбекистон Мустақиллигининг 10 йиллигига бағишланган илмий-амалий анжумани (2001й. 25 апрель).

2. «Ибн Сино халқаро ўқишлари 2001» анжумани. (2001й.13-15 сентябр).

3. «Вирусли гепатитлар. Ташхислаш, даволаш ва олдини олишдаги долзарб муаммолар»га бағишланган республика илмий-амалий анжумани (2001й.16 ноябр).

4. «Анестезиология ва интенсив терапиянинг долзарб масалалари» халқаро илмий-амалий анжумани (2001й. 30 апрель - 1 май).

5. «Ўзбек халқ табобатининг истиқболлари» II республика илмий-амалий анжумани (2001й. 8-9 июн).

2002 йилда ўтказилган илмий-амалий анжуманлар мавзулари:

1. Талабалар илмий жамиятининг X илмий-назарий конференцияси (2002 й. 22 апрель).

2. «Ибн Сино халқаро ўқишлари - 2002» анжумани (2002 й. 13-14 сентябр)

3. «В.Воҳидов ўқишлари – 2002: Хирургия амалиётида учрайдиган хатоликлар, хавфли вазиятлар ва асоратлар»га бағишланган республика илмий-амалий анжумани (2002 й. 27 сентябр, акад. В.Воҳидов номли Хирургия Илмий Маркази ҳамкорлигида).

4. «Қалқонсимон без касалликларининг долзарб муаммолари»га бағишланган Республика илмий-амалий анжумани (2002 й. 29 ноябр, УзР Соғлиқни сақлаш вазирлиги Эндокринология ИТИ ҳамкорлигида).

2003 йилда ўтказилган илмий-амалий анжуманлар мавзулари:

1. Талабалар илмий жамиятининг XI илмий-назарий конференцияси (2002 й. 22 апрел).

2. «Онкологларнинг халқаро конференцияси» (2002 й. 11 сентябр, Республика Онкология Илмий Маркази ҳамкорлигида).

3. «Анестезиолог-реаниматологларнинг 2--съезди» (2002 й. 13 ноябр Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ҳамкорлигида).

2004 йилда ўтказилган илмий-амалий анжуманлар мавзулари:

1. «Маҳаллий ҳамжамиятларда ҳамширалик ёрдами кўрсатишда оилавий ҳамшира концепциясини тадбиқ қилиш бўйича тренинг - семинар» (2004 й. 14-15 январ).

2. Талабалар илмий жамиятининг XII илмий-назарий конференцияси (2004 й. 20 апрел).

3. «Акушерлик-гинекологияда операциядан кейинги асоратларнинг олдини олишда антибиотик профилактикасининг ўрни. Эндоскопик хирургия самаралари» (2004 й. 27 май, ЎзР Соғлиқни сақлаш вазирлиги Акушерлик-гинекология ИТИ ҳамкорлигида).

4. «Бухоро, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари тиббий-чақирув комиссиялари врач мутахассислари учун минтақавий семинар» (Қарши шаҳри. 2004 й. 7-8 сентябр).

Суратда: академик А.Ибрагимов хотирасида ўтказилган илмий анжуман.

2005 йилда ўтказилган илмий-амалий анжуманлар маърузалари:

1. «Тиббиёт олий ўқув юртларида замонавий илғор педагогик технологиялардан фойдаланиш ўқув-услубий анжумани» (Бухоро 2005 йил 22 апрель).

2. «Нейрохирургиядаги янгиликлар». Халқаро илмий-амалий семинар, Бухоро. (2005 йил 17 ноябр).

3. «Шошилич тиббий хизматнинг долзарб муаммолари». Халқаро илмий-амалий конференцияси .Бухоро (2005 йил 18 ноябр).

4. «V Ибн Сино халқаро ўқишлари». Бухоро (2005 йил 21-22 ноябр).

5. Институт талабалар илмий жамиятининг XIII илмий-назарий конференцияси. Бухоро (2005 йил 19 апрель).

2006 йилда ўтказилган илмий-амалий анжуманлар мавзулари:

1. «Қандли диабетнинг долзарб муаммолари» Халқаро вакиллар иштирокидаги илмий-амалий анжуман. Бухоро (2006 йил 1-2 март).

2. «Тиббиётнинг долзарб муаммолари». Ёш олимларнинг Республика илмий-амалий анжумани. Бухоро (2006 йил 12 май).

3. «Травматология ва ортопедияда эндохирургик даволаш усуллари». Халқаро илмий-амалий анжуман. Бухоро (2006 йил 3 ноябр).

4. «Стоматологларнинг долзарб муаммолари». Республика илмий-амалий анжуман. Бухоро (2006 йил 17 ноябр)

5. Институт талабалар илмий жамиятининг XIV илмий-амалий конференцияси. Бухоро (2006 йил 24 апрель).

2007 йилда ўтказилган илмий-амалий анжуманлар мавзулари:

1. «Қулок ва юқори нафас йўллари касалликлари». Халқаро вакиллар иштирокидаги илмий-амалий анжуман. Бухоро (2007 йил 18-19 май).

2. «Акушерлик ва гинекологияда долзарб муаммолар». Республика илмий-амалий анжумани. Бухоро (2007 йил 19 ноябр).

3. Институт талабалар илмий жамиятининг XV илмий-амалий конференцияси. Бухоро (2007 йил 24 апрель).

2008 йилда ўтказилган илмий-амалий анжуманлар мавзулари:

1. «Ёшга оид морфологиянинг тиббий-экологик муаммолари ва аъзо ҳамда системалардаги адаптация жараёнлари». Халқаро морфологлар ассоциациясининг (ХМА)

ШЧ Конгресси ва Ўзбекистон морфологларининг IV съезди.
Бухоро (2008 йил 14-17 май).

2. «Аёл ва ёшлар маънавияти». Илмий-назарий анжумани.
Бухоро (2008 йил 27 июн).

3. «Стоматологияда янги технологияларни тадбиқ этиш».
Илмий-амалий анжумани. Бухоро (2008 йил 28-29 ноябр).

4. Институт талабалар илмий жамиятининг XVI илмий-
амалий конференцияси. Бухоро (2008 йил 22 апрель).

5. «Ёшлар йили»га бағишланган илмий-амалий анжуман.
Бухоро (2008 йил 10 декабр).

**Суратда: Халқаро морфологлар конгресси
иштирокчилари.**

Институтда илмий-тадқиқот натижаларини оммавий
ахборот воситаларида ёритиш натижалари йиллар бўйича
қуйидаги жадвалга келтирилган.

Чоп қилинган илмий-тадқиқот натижалари

Г/р	Кўрсаткичлар	2000 Йил	2001 Йил	2002 Йил	2003 Йил	2004 Йил	2005 Йил	2006 Йил	2007 Йил	2008 Йил	2009 Йил
1	Журнал мақолалар и Шу жумладан: чет элда	48	77	76	76	79	86	84	119	149	165
2	Монограф илар	1	1	1	1	2	4	6	7	3	3
3	Тўпламлар	4	2	2	3	2	3	2	3	-	3
4	Тезислар	136	188	233	214	248	198	163	246	109	129

Институт виварий бўлимида лаборатория ҳайвонлари кўпайтирилади ва сақланади. Бу ҳайвонлар илмий мақсадларда турли экспериментал текширувлар ўтказишда ҳамда тажрибалар билан боғлиқ бўлган фанлар (нормал ва патологик физиология, оператив хирургия ва топографик анатомия, фармакология ва х.к.)ни ўқитиш жараёнида кенг қўлланилмоқда.

Институтда илмий ахборот технологияларини ва масофавий ўқитишни жорий этиш учун компьютерлар билан таъминлаш кўрсаткичи ҳар 100 талабага нисбатан 7 тагача даражада таъминланишига эришилди. Республикамизда биринчилардан бўлиб, институтимизда масофадан ўқитиш тизими ташкил қилиниб, бу марказ 2002 йилдан буён фаолият кўрсатмоқда. Бунинг учун махсус хона ажратилиб, замонавий талабларга мос ҳолда жиҳозланган, бунинг учун махсус кабеллар, видеокамералар, юқори тезликдаги модемлар билан таъминланган. Институтдаги масофадан ўқитиш тизими нафақат бошқа шаҳарлардаги олий ўқув юртлари билан бевосита мулоот ўтказишга, балким клиник базалардаги операция жараёнини талабалар аудиториясига етказиб бериш имкониятини яратади. Шу билан бирга, талабалар операция олиб боровчи жарроҳга турли саволлар билан мурожат қилиши, жарроҳ эса операция даврида изоҳлар билан жараённи тавсифлаш имкониятига эгадир.

Масофадан ўқитиш тизими ёрдамида Тошкент шаҳридаги Низомий номидаги педагогика университети, ТошВМОИ, АндДавТи, СамДавТИ, Ургенч Давлат университети, Гулистон Давлат университети, Қарши шаҳридаги олий ўқув юртлар билан ҳамкорликда телемулоқотлар ўтказилмоқда.

Замонавий педагогик технологияларни ўқув жараёнига тадбиқ этиш бўйича тажриба алмашиш ва ютуқлар билан ўртоқлашиш мақсадида институтда телемулоқот усуллари ёрдамида анжуманлар ўтказиш амалга оширилмоқда. Ўқув – услубий ишлар ва илмий – тадқиқот ишларининг долзарб муаммолари бўйича олиб борилган амалий ишлар ўқув жараёнини ва илмий салоҳиятни янада такомиллаштишига хизмат қилмоқда.

Институтининг халқаро алоқалари

Бухоро давлат тиббиёт институтида халқаро алоқалар ишлари Ўзбекистон Республикаси “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” , “Таълим тўғрисида” ги Қонунларда белгиланган вазифалар, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Олий ва ўрта махсус таълим ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиқларининг буйруқлари, тасдиқланган меъёрий хужжатлар асосида ташкил қилинган.

Институтнинг хорижий давлатлар олий ўқув юртлари, илмий марказлари, халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлиги тўғрисидаги шартномалар

ЖАДВАЛИ

№	Хорижий алоқалар	Хорижий таълим муассасаси, ташкилоти номи	Хужжатнинг (битим, шартнома, баённома ва меморандум) тўлиқ номи	Имзоланган кун ва амал қилиш муддати
1.	Ўзбекистон Республикаси	Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги “Саломатлик”дастурлари	“Саломатлик” дастури лойиҳаси бўйича	1998 йил Апрел
2.	Корея Республикаси	Корея Республикасининг Тошкентдаги Осиё тараққиёти институти	Бух.дав.тиб. институти ректори, проф. Р.М.Аҳмедов ҳамда Корея Республикасининг Тошкентдаги Осиё тараққиёти институти	1999 йил 26 июн

			Директори Ким Донг Хи томонларидан шартнома	
3.	Россия Санкт - Петербург	И.М.Мечников номидаги Санкт – Петербург давлат тиббиёт академияси	Бух.дав.тиб. институти И.М.Мечников номидаги Санкт – Петербург давлат тиббиёт академияси ўртасида шартнома	2001 йил 13 май
4.	Корея Республика си	Косин Тиббиёт Маркази	Косин университети Госпел Госпиталининг президенти Ким Дже До ҳамда Бух.дав.тиб. институти ректори, проф. Р.М.Аҳмедовла р томонидан узок муддатли ўзаро хамкорлик шартномаси	2001 йил 18 июн
5.	Япония давлати	Япониянинг жарроҳлик стоматологияси	Япониянинг жарроҳлик стоматологияси департаментини нг раиси, проф. Акира Сенда ҳамда Бух.дав.тиб. институти ректори, проф. Р.М.Аҳмедов	2001 йил 8 сентябр

			томонидан шартнома	
6.	Буюк Британия	Англиянинг халқаро “Инсон ҳақида ғамхўрлик” фирмаси	Бух.дав.тиб. институти ректори, проф. Р.М.Аҳмедов ва Англиянинг халқаро “Инсон ҳақида ғамхўрлик” фирмасининг Ўзбекистондаги бош вакили Н.И.Серкада ўртасида шартнома	2002 йил 26 сентябр
7.	Япония Давлати	Япониянинг Фукусима тиббий университети	Япониянинг Фукусима тиббий университети проф.Тсукасса Ито ҳамда Бух.дав.тиб. институти ректори, проф. Р.М.Аҳмедов	2005 йил 8 ноябр
8.	Франция	Франция 1 – жаҳон эксперт клуби аъзолари	1 – жаҳон эксперт клуби аъзолари проф. Кристиан Ревауд, проф. Хэнри Франкоис ва Бух.дав.тиб. институти ректори, проф. Р.М.Аҳмедов томонидан шартнома	2006 йил 13 ноябр

			имзоланди	
9.	Санкт - Петербург	Академик И.П.Павлов номидаги Санкт – Петербург тиббиёт университети	Болалар стоматологияси ва юз – жағ жарроҳлик кафедрасининг мудири, проф. Генрих Аббович Хаткеевич ва Бух.дав.тиб. институти ректори, проф. Р.М.Аҳмедов томонидан шартнома имзоланди	

1997 – 1998 йилларда умумий даволаш врачлари тайёрлаш кафедраси Буюк Британиянинг “Heath Prom ”ташкilotи билан ҳамкорликда ишлар олиб борилди. Шунга асосан вилоятимиз туғруқхоналари ва болалар шифохоналари ҳақимларидан 32 нафар педиатрия ва акушерлик – гинекология бўйича малака оширдилар. УАШ кафедрасининг мудири Н.Ж.Шарипова Буюк Британияда амалий ташриф билан бўлиб, ҳамкорлик маҳсули сифатида институт кутубхонасига зарурий китоблар олиб келди.

1998 йилдан “Аёл, оила ва саломатлик масалалари” га бағишланган қатор халқаро конференциялар бошланди. Ушбу конференциялар 2000,2001,2002 йилларда турли мавзуларда халқаро иштирокчилар билан ўтказилди. Уни ўтказишга USAID “Очиқ жамият институти”, Глобал, Старт жамғармалари амалий кўмаклашди. УАШ кафедраси мудири, Н.Ж. Шарипова Бирлашган Миллатлар Ташкilotи бош Ассамблеясининг 23-сессияси кўмита ишида Ўзбекистон вакили сифатида иштирок этди.

“Устоз” жамғармасы танлови грантини ўзбек тили адабиёти ва рус тили кафедраси мудири, доцент М.Н.Ҳикматова ва тиббиёт фанлари номзоди С.Г.Худойдодовалар қўлга киритдилар. Ушбу грант асосида М.Н.Ҳикматова Лондон шаҳрида, С.Г.Худойдодова Малайзияда бўлиб, бой тажриба орттириб қайтдилар.

Бирлашган Миллатлар ташкилоти ҳомийлигида ЮНЕСКО Халқаро фан, маданият ва таълим ишларини ривожлантириш ташкилоти иштирокида мамлакатимизда қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Бухоро Давлат тиббиёт институтида ҳам “ЮНЕСКО, Шарқ табобати” кафедраси 2000 йилда ташкил этилган эди. Унинг очилиш маросимида ЮНЕСКО бош директори жаноб Кочиро Моцууро шахсан иштирок этиши тарихий воқеа бўлди.

Суратда:Польша Медицина академияси президенти.... институт ректори Р.М Аҳмедовга фахрий аъзолик гувоҳномасини топшириши пайти.

2001 йил 5 май куни Варшава шаҳрида Альберт Швейцер номидаги халқаро тиббиёт академиясининг симпозиумида институт ректори, профессор Р.М.Аҳмедов халқаро тиббиёт академиясининг аъзолигига сайланди. Шу билан бир қаторда, у академиянинг олтин медали билан тақдирланди, Польша Медицина академияси фахрий аъзолигига қабул қилинди.

Стоматология факультети Жанубий Корея билан бир неча йил давомида самарали ҳамкорлик ишларини олиб бормоқда. Ҳозирги пайтда профессор – ўқитувчилар тажриба алмашиш ҳамда талабаларни Кореяда ва Ўзбекистонда ўқитиш бўйича тайёргарлик ишларини олиб бориўмоқда. Жанубий Кореянинг Косин университети билан ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш мақсадида институтимиз ректори профессор Р.М.Аҳмедов ҳамда стоматология факультетининг декани, доцент Й.Х.Юнусовлар 2001 йил июн ойида Пусань шаҳрида бўлдилар. Профессор Р. М. Аҳмедов у ерда мустақил республикамизда тиббиёт соҳасидаги олиб борилаётган ислохотлар тўғрисида маъруза ўқиди.

Жанубий Кореянинг Осиё маданияти ва тараққиёти институти стоматология факультети билан амалий ҳамкорлик қилиб келмоқда. Осиё маданияти ва тараққиёти институтининг

Тошкентдаги ваколатхонаси ходимлари стоматология факультети талабалари ўртасида ҳар хил танлов ўтказиб, тест синовларида юқори кўрсаткичларга эга бўлган талабаларга Ян Ю Сик номидаги стипендия тақдим этиб келинмоқда. Талабалар билан бир қаторда танловда ғолибликни қўлга китритган ўқитувчиларга ҳам стипендия тўланмоқда.

Жанубий Кореянинг Осиё маданияти ва тараққиёти институти бевосита ёрдамида АҚШ ва Европа мамлакатларида охириги йилларда чоп этирилган жами 8,5 минг нусхада тиббиётга тегишли китоблар, видеофильмлар, диапозитивлар олинди ва улардан профессор – ўқитувчилар, ҳамда талабалар кенг фойдаланмоқдалар.

2002 йил 13 – 15 ноябр кунлари Франция пойтахтида жойлашган ЮНЕСКО қароргоҳида ташкилотнинг барча мамлакатларидаги ана шундай илмий марказлари вакиллари иштирокида катта анжуман бўлиб ўтди. Унда Бухоро Давлат тиббиёт институт ректори, профессор Раҳмат Аҳмедов иштирок этди.

2003 йил 12 – 17 май кунлари институтимиз ректори, профессор Р.М.Аҳмедов Польшанинг Варшава шаҳрида халқаро тиббиёт академиясининг йиғилишида ҳамда Слупск ва Бухоро биродарлашган шаҳарлари алоқасини мустаҳкамлаш мақсадида бўлиб ўтган учрашувда делегация раҳбари сифатида иштирок этди.

Суд тиббиёти курси мудирини, К.Р.Оочилов Кембриж университети таклифига мувофиқ 2002 йил 4 ноябрдан 2003 йил 30 апрелгача Англияда малака ошириб қайтди. К.Р.Оочилов Кембриж университетидаги тиббиёт факультети Суд тиббиёти лабораторияларида Ген доктелоскопиясини ўрганди ва ўрганган тажрибаларини ўқув жараёнига тадбиқ этиб келмоқда.

“Тиббиётда соғлиқни сақлашни ташкил қилиш ва бошқариш, маркетинг ва менежмент” кафедрасининг мудирини, доцент Р.Ш.Қурбонов 2003 йилнинг 21 июлидан 9 августигача Тошкент шаҳрида АҚШ нинг “USAID zdarav plus” дастури асосида Марказий Осиё мамлакатлари учун ҳудудий малака оширишда бўлди. Шу даврда берилган билимлар синовларини муваффақиятли топширган доцент Р.Ш.Қурбоновга махсус сертификат топширилди.

Санк – Петербурт шаҳридаги А.И.Герцен номидаги Россия давлат педагогика университетида 2003 йил 3 октябр МДХ

давлатларидаги ЮНЕСКО кафедралари мудирларининг симпозиуми бўлди. Юунда (?) 11 та ҳамдўстлик мамлакатларидан ЮНЕСКО кафедра мудирлари қатнашди. Бухоро давлат тиббиёт институти ЮНЕСКО Шарқ табобати кафедраси фаолияти ҳақида доцент Ф,Э,Нурбоев маъруза қилди.

Олий малакали ҳамширалар тайёрлаш бўлими бошлиғи, доцент Н.Х.Воҳидов 2004 йил 24 октябрдан 4 ноябргача АҚШ нинг Минниаполис штатидаги Миннесота университетида бўлиб, Олий малакали ҳамширалар тайёрлаш бўйича ҳамкорлик қилд, ўзаро тажриба алмашди.

2004 йилда Исроил давлати этчихонаси “Машав” дастури асосида Бухоро Давлат тиббиёт институти, Бухоро вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси билан Моморандум имзолаб, оилавий ҳамшира тайёрлаш учун ҳамшираларни Исроил давлатида ўқишга таклиф қилди. Биринчи босқичда ҳамширалар 1 ойлик малака ошириб қайтишди.

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигининг “Саломатлик” дастури бўйича тадбирларда институтимиз фаол иштирок этиб келмоқда. Жумладан, институтимизда “Умумий амалиёти врачлари” тайёрлаш Марказлари ташкил этилди. Европа тараққиёт банки ёрдамида турли хил замонавий тиббиёт асбоб – ускуналари, зарурий ўқув жиҳозлари олинди ва улардан унумли фойдаланилмоқда. Шунингдек “Саломатлик” Халқаро дастури асосида умумий амалиёт врачларини тайёрлаш мақсадида Буюк Британияга кўплаб ходимларимиз, айниқса, умумий амалиёт врачлари кафедрасининг деярли ҳамма профессор – ўқитувчилари бориб, малака ошириб қайтидилар.

Россия ва Ҳамдўстлик давлатларидан кўплаб нусхада тиббиётга оид китобларнинг келтирилиши инглиз ва рус тилидаги адабиётларни ўқитиш сифати ҳамда самарадорлигини оширишда ўзининг ижобий натижасини бермоқда.

Россиядан институтимизга ташриф буюриб, тиббиётнинг тарққиётини таъминлашга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган ва тиббиётга оид маърузалари билан фаоллик кўрсатган олимларнинг хизматлари беқиёс бўлмоқда. Чунончи, Москва тиббиёт академиясининг профессори, тиббиёт фанлари доктори. В.М.Мизиков, Россия Илмий Хирургия Маркази биохимия лабораторияси мудирлари, профессор И.И.Дементьева, Россия Тиббиёт академияси Нейрохирургия кафедрасининг мудирлари

тиббиёт фанлари доктори. профессор О.Н.Древоль, Россия Тиббиёт академияси професори, Умуртқа поғонаси ва мия жарроҳлиги бўлимининг мудирлари, тиббиёт фанлари доктори, профессор А.В. Басков. Россия Жарроҳлик илмий маркази трансплатация бўлими раҳбари, тиббиёт фанлари доктори, профессор С. В. Готье, Академик И.П.Павлов номидаги Санкт – Петербург тиббиёт университети болалар стоматологияси ва юз – жағ жарроҳлик кафедрасининг мудирлари, профессор Г.А.Хацкевич кабилар шулар жумласидандир.

Институтимизга турли мамлакатлардан кўплаб таниқли олимлар келиб, тиббиётнинг долзарб масалалари бўйича қилган маърузалари ўқитиш сифати ҳамда самарадорлигини оширишга муносиб ҳисса қўшмоқда. Жумладан, Япониянинг Фукусима тиббиёт университетининг профессори Теукаса Ито бошлиқ делегация 2005 йил 8 ноябр институтимизда бўлди. Олимнинг тиббиётнинг долзарб муаммоларига бағишланган маърузалари институтимиз профессор – ўқитувчилари ва талабаларида яхши таассурот қолдирди. Профессор Теукаса Ито ҳамда институтимиз ректори, профессор Р.М.Аҳмедов томонидан узоқ муддатга мўлжалланган ҳамкорлик шартномасига ҳам имзо чекилди.

2001 йил 8 сентябрда Япония жарроҳлик стоматологияси департаментининг раиси профессор Акира Сенда ҳамда Бухоро Давлат тиббиёт институти ректори профессор Р.М.Аҳмедов томонидан узоқ муддатли шартнома имзоланди.

Ҳамширалик иши таълимини яхшилаш борасида қўшма лойиҳани амалга ошириш учун Япония ҳукуматининг “Жайка” беғараз ёрдам фирмаси ўрта тиббиёт ходимлари фойдаланиши мумкин бўлган тиббий асбоб – ускуналар билан ёрдам кўрсатди.

Испанияда Гренада Тиббиёт Университети Даволаш факультетининг декани, профессор Хосе Мариа Пейинадо бошчилигидаги делегация 2007 йил 18 декабрда институтимизга ташриф буюрди ва Темпус лойиҳаси бўйича амалга оширилиши лозим бўлган масалалар келишиб олинди. Институт ректори, профессор Р.М.Аҳмедов ҳамда Хосе Мариа Пейинадолар томонидан шу куни ўзаро ҳамкорлик бўйича меморандум имзоланди.

АҚШ Шарқий – Шимолий врачлар лигасининг бирламчи респондентлари тайёрлаш маркази Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 616 – буйруғига асосан Бухоро Давлат

тиббиёт институтида ўз фаолиятини бошлади. Мақсад фавқулодда ҳолатларда жабрланганларнинг ҳаётини сақлаб қолишда кутқарувчилар, ДАН ходимлари, жамоат тартибини сақловчилар ҳамда шошилиш тиббий ёрдам ходимларини Америка Тиббиёт лигаси тузган дастур асосида ўқитиш эди. Бухородаги марказнинг бошлиғи этиб доцент Ў.Х.Ҳасанов тайинланди. 2004 йил 6 – 11 октябргача вилоятимиздаги шу йўналишга алоқадор ходимларни АҚШ нинг лига вакиллари ўқитиб, йигирма тўртта тингловчилардан тўрттасини тренер сифатида олишди. Ана шу танлаб олинган тренерлар бундан кейинги машғулотларни ўтказиш ваколатига эга бўлиб иш бошладилар. Марказда ўқитиш учун барча замонавий шароит АҚШ ташкилоти томонидан муҳайё қилинган.

Институтимиз Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигининг “Саломатлик” дастури бўйича тадбирларда фаол иштирок этиб келмоқда. Жумладан, институтимизда “Умумий амалиёт врачлари” тайёрлаш Маркази ташкил этилди. Европа тараққиёти банки ёрдамида турли хил замонавий тиббий асбоб – ускуналар, зарурий ўқув жиҳозлари олинди ва улардан унумли фойдаланилмоқда. Хорижий давлатларда малака ошириб ҳамда тажриба алмашиб келган ходимларимиз ўрганган нарсаларини ўқитиш самарадорлигини оширишга тадбиқ этмоқдалар. Жумладан, 2007 йил УАШ кафедрасининг ходимлари Мавлонов, Рўзиев, Кароматов ва Тўхтаевалар Эстония Республикасида бўлдилар. Шунингдек, ортопедик стоматология кафедрасининг ассисенти Назаров Корея Республикасининг Сеул шаҳрида ўтказилган конференцияга қатнашди.

Бухоро Давлат тиббиёт институти “Умумий амалиёт врачлари” кафедраси мудирини, профессор Н.Ж.Шарипова раҳбарлигида АҚШнинг Массачусет штати Брондайс Университети билан ҳамкорликда илмий тадқиқот ишлари олиб борилди. Ҳамкорлик натижасида 94 минг АҚШ доллари миқдорида грант олишга муваффақ бўлинди.

Институтимизнинг ўқув ишлари бўйича проректори, профессор Б.А.Ҳидоятлов ҳамда УАШ кафедрасининг мудирини, тиббиёт фанлар докторини Н.Ж.Шариповалар “Саломатлик” халқаро дастури бўйича умумий амалиёт врачлари тайёрлаш мақсадида Буюк Британияда малака ошириб қайтдилар.

2008 йил 26 октябрдан 7 ноябргача “Француз №1 экспортчилари клуби” бош секретари Жан Арин Мадаян Касри бошқарувчиси

Шантал Орин, Лиль политехника Университети муҳандислик мактаби профессори Доминик Буни, врач Мартин Лонер, ветеринар – врач Регис Лонер ва ортопедия фирмаси раҳбари Жан Мишель Сиашевски Бухоро тиббиёт институтига ташриф буюришди. Жан Мишель Сиашевски “Травматология – ортопедия” кафедраси сон чаноқ бўғими эндопротезларини ўрнатиш тўғрисида келишиб олишди.

Институтига Хитой кредити асосида ажратилган 212.245 АҚШ доллар маблағга лаборатория ва диагностика ускуналари олинди. Булар орасида ПЦР лаборатория, рақамли рангли УЗИ аппарати, гастропрофиброскоп, бронхоскоп, диагностика лапароскоп, гематологик анализатор, электрокардиограф, музлатгич ва бошқалар мавжуд.

2008 йил 14 – 15 май кунлари Халқаро морфологлар жамиятининг XIX конгресси Бухорода бўлиб ўтади. Бу нуфузли анжуманга жаҳоннинг таниқли морфологлари ўзларининг актуал мавзулари билан иштирок этдилар. Анжуманда Россия, Украина, Қозоғистон, Арманистон, Озарбайжон, Грузия, Тожикистон, Белоруссия, Қирғизистон каби ҳамдўстлик мамлакатларидан ташқари АҚШ, Япония каби ривожланган мамлакатлардан 100 дан ортиқ олимлар ўзларининг мазмунли маърузалари билан иштирок этдилар.

Айни пайтда институт тиббиётнинг долзарб муаммоларига қаратилган турли хилдаги лойиҳалар асосида жаҳоннинг етакчи олий ўқув юртлари, ўқув марказлари ҳамда халқаро ташкилотлари билан кенг кўламли самарали ҳамкорлик ишларини олиб бормоқда.

2009 йил 14-15 май кунлари Афшонада гастроэнтерологларнинг илмий-амалий анжумани ўтказилди. Анжуманда Ўзбекистон, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон давлатларидан 120 га яқин олимлар иштирок этдилар.

Тиббий физика, биофизика, информатика ва инфорацион технологиялар кафедрасининг мудир сифатида мазкур кафедра фаолияти тўғрисида ҳам икки оғиз сўз айтиш лозим, деб ҳисоблайман.

Кафедра 1991 йилда ташкил этилган бўлиб, унга дастлаб «Биофизика» деб ном берилган. Кафедрада биофизика, математика ва информатика асослари фанлари ўқитилган.

Биринчи кафедра мудири этиб, доцент Д.Жўраев тайинланган. Ўшанда унда доцентлар М.С.Соттиқулов, С.Ф.Шодиев, С.Ҳожиев ишлаганлар.

1994 йили кафедра мудири этиб доцент С.Ҳ.Умаров тайинланган. Бу даврда кафедрага «Биофизика ва компьютер техникаси», деб ном берилиб, унда «Тиббий ва биологик физика», «Компьютер техникаси», «Тиббиёт техникаси ва янги технологиялар» фанлари ўқитилган. Кафедрада ишловчилар қаторига А.Ҳайитов, ассистентлар Ж.Ж.Ашуров, Б.С.Қурбонов, Ф.Мустафақулова ва У.Ходжаева келиб қўшилганлар.

2001–2003 йилларда кафедра мудири лавозимида доцент О.У.Шаропов ишлаган. Бу даврга келиб тиббиёт фанлари номзоди Б.Ж.Сафаров, доцент С.Ҳ.Умаров, ассистентлар Ж.Ж.Ашуров, М. Бозоров ҳам талабаларга сабоқ берганлар.

2003 йилда кафедра мудири этиб доцент С.Ф.Шодиев тайинланган. 2005 йилдан бошлаб кафедрани мен бошқармоқдаман. Ҳозирги кунда кафедрада физика-математика фанлари доктори, профессор С.Ҳ.Умаров, доцентлар С.Ф.Шодиев, О.У.Шаропов, катта ўқитувчи Ж.Ж.Ашуров, ассистентлар У.О.Ходжаев, Р.Р.Ҳамроев ва катта лаборант Г.А.Ниязова фаолият кўрсатмоқдалар.

Кафедрада илмий салоҳиятни ошириб бориш мақсадида мунтазам изланиш олиб борилмоқда. Ассистентлардан Ж. Ж. Ашуров, У. О. Ходжаев ва Р. Р. Ҳамроев профессор С. Ҳ. Умаров раҳбарлигида номзодлик диссертациялари устида иш олиб бормоқдалар.

Кафедрада қуйидаги икки йуналиш бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда:

1. “ $A^III B^III C^VI_2$ типдаги қаттиқ аралашмали мураккаб ярим ўтказгичларнинг олиниши ва уларнинг фазикавий хоссаларини ўрганиш”.

2. ”Замоनावий тест тизимида янги педагогик технологияларни ўқув жараёнига тадбиқ этиш”. бўйича доц. О.У. Шаропов тадқиқот ишларини олиб бормоқда

Биринчи мавзу бўйича уларни замоनावий микроэлектроника, шу жумладан тиббиёт электроникасига тадбиқ этиш ишлари йулга қўйилган, иккинчи йуналиш бўйича докторлик диссертацияси устида илмий изланишлар давом эттирилмоқда.

Кафедрада ўқитиладиган «Тиббий ва биологик физика», «Тиббиёт техникаси ва янги технологиялар» ҳамда «Информатика ва информацион технологиялар» фанлари намунавий дастурлари бўйича маърузалар, лаборатория машғулотлари ва амалий машғулотлар барча мавзулари бўйича мультимедиялар ва диафильмлар тайёрланган. Кафедрада маърузалар учун 35 та, лаборатория машғулотлари учун 32 та ва амалий машғулотлар учун 40 дан ортиқ мультимедиялар, 4 та электрон дарслик ўқув жараёнида қўлланилмоқда.

Биофизика ва тиббиёт техникаси фанлари учун ўқув режасига асосан алоҳида лаборатория – ўқув хоналари, информатика асосларини ўқитиш учун замоनावий компьютерлар билан жиҳозланган ўқув заллари мавжуд. Кафедрада мавжуд компьютерлар Интернет тармоғига уланган бўлиб, барча машғулотларда янги ахборот технологияларидан самарали фойдаланилади. Барча машғулотлар ҳар бир талабанинг индивидуал қобилияти ва билим захирасига асосланган ҳолда мунтазам равишда замоनावий интерактив педагогик услубларни қўллаш билан олиб борилади.

Институтининг маънавий- маърифий ишлари



Қ.С.ТУРСУНОВ,

Бухоро Давлат тиббиёт институти проректори, доцент:

—«Сир эмаски, ҳар қайси давлат, ҳар қайси миллат, фақат ер ости ва ерусти табиий бойликлари билан, ҳарбий қудрати ва ишлаб чиқариш салоҳияти билангина эмас, балки **биринчи навбатда ўзининг юксак маданияти ва маънавияти билан кучлидир**», деб айтганлар президентимиз И.А.Каримов сўзлаган нутқларидан бирида.

Бухоро Давлат тиббиёт институтида маънавият ва маърифат ишлари Ўзбекистон Республикаси «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», «Таълим тўғрисида»ги Қонунларда белгиланган вазифалар, Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари, Олий ва ўрта махсус таълим ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиқларининг буйруқлари, тасдиқланган меъёрий ҳужжатлар асосида ташкил қилинган.

Институт маънавият ва маърифат ишлари тизими таркиби қуйидаги тузилмалардан иборат:

- маънавият ва маърифат бўлими;
- маданий клублар;
- жисмоний тарбия ва спорт иншоотлари;
- факультетлардаги маънавият ва маърифат ишлари бўйича бўлинмалар;
 - жамоат ташкилотлари;
 - устоз ва мураббийлар кенгаши;
 - талабалар турар жойи кенгашлари;
 - кўп нусхали газета;

Институтда маънавий-маърифий тадбирларни амалга оширишда суҳбат, учрашув, юзма-юз мулоқот, маъруза, семинар, конференция, кўрик-танлов, баҳс-мунозара ва бошқа ноанъанавий таъсирчан шаклларида самарали фойдаланиб келинмоқда.

1992 йил 28 сентябрда институтда профессор-ўқитувчилар ва талабалар ўртасида олиб бориладиган тарбиявий ишларни такомиллаштириш мақсадида тарбиявий ишлар бўйича ректор муовини, 1994 йил 23 февралда маънавият ва маърифат ишлари бўйича проректор лавозими жорий этилган. Ушбу лавозимга биринчи бўлиб Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият

ходими И.Ж.Жумаев тайинланган. 1997-2004 йилларда бу лавозимда доцентлар А.А. Хусейнова, Р.Д.Давроновлар фаолият кўрсатганлар.2004 йил 24 январда бу лавозимга мен тайинланганман.

Бугунги кунда институт талаба - ёшлари ўртасида республикамиз барқарорлиги ва хавфсизлигига таҳдид солаётган турли хил террористик хуружларнинг мақсад-муддаолари, халқаро терроризм ва диний экстремизмнинг жирканч оқибатларини фoш этиш, талаба-ёшларда экстремистларга нисбатан нафрат туйғусини шакллантириш, улар онгига ғоявий бўшлиқ ва зарарли оқимлар таъсирининг кириб келишига йўл қўймаслик мақсадида институт «Маънавият ва маърифат хонаси»да, ётоқхоналарда мунтазам равишда вилоят ИИБ, диний идоралар вакиллари ҳамда уруш ва меҳнат фахрийлари билан учрашув ва давра суҳбатлари ўтказилиб келинмоқда.

Институтда талаба-қизларнинг орасида соғлом оилани шакллантириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш билан боғлиқ тадбирлар, хотин- қизларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликларини тўлақонли амалга ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш билан боғлиқ тадбирлар мунтазам ўтказиб борилмоқда.

Институтда маънавий-маърифий ишларда давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик кенг йўлга қўйилган, Хусусан, Бухоро шаҳри, Бухоро тумани, Вобкент, Ёждувон, Когон, Жондор ва Қоровулбозор туманида ўтказилаётган тарбирларни алоҳида таъкидлаш жоиз. Институт профессор-ўқитувчилари ҳар ойнинг биринчи жума кунисида вилоят миқёсида ўтказиладиган «Маънавият ва маърифат ўқуви»ларида вилоят, туман, шаҳар таълим муассасалари, корхона ва ташкилотлари меҳнат жамоаларида Президент Фармонлари, Ҳукумат қарорлари, Олий Мажлис сессиялари материалларини кенг тарғиб-ташвиқ этишда фаол иштирок этиб келмоқдалар. Бунинг натижасида институтнинг 3 нафар ўқитувчиси Республика «Маънавият ва маърифат маркази тарғиботчиси» деган унвонга сазовор бўлди.

Талабаларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида институтда айни пайтда 35 та фан тўғараклари, 8 та спорт секциялари, 3 та маданий клублар фаолият кўрсатмоқда.

Институт раҳбарияти вилоят ҳокимлиги соғлиқни сақлаш бошқармасига қарашли 1-сон «Меҳрибонлик уйи»га доимий тарзда ғамхўрлик ва хайру саховат кўрсатиб келмоқда. Қимматбаҳо совғалар, кийим-кечак, ўйинчоқлар, канцелярия буюмлари ҳомийлик ёрдами сифатида бериб борилмоқда. Бундан ташқари «Меҳрибонлик уйи» тарбияланувчиларига институтнинг шифокор профессор-ўқитувчилари доимий тиббий хизмат кўрсатиб келмоқдалар.

Юртимизда амалга оширилаётган таълим соҳасидаги изчил ислоҳотлар, олийгоҳнинг республика ва хориждаги нуфузли билим даргоҳлари билан ҳамкорлиги, профессор-ўқитувчилар ва талабаларнинг илмий изланишлари, спорт янгиликлари, илм-фан, таълим-тарбияга оид янгиликлар, ёшлар ҳаёти, ижод намуналари, кўтловлар институтда ойда икки мартаба чоп этиладиган «Ибн Сино ворислари» кўп нусхали газетасида ёритиб борилмоқда. Мазкур газета 2000 йилдан бошлаб 1000 нусхада институт муассислигида дастлаб “Шифокор” номи билан, кейинчалик эса «Ибн Сино ворислари» номи билан чоп этилмоқда.

Институтда ҳамда талабалар турар жойида ёшларнинг бўш вақтларини ўтказишни мазмунли ва мароқли ташкил этиш мақсадида кутубхона, Интернет хонаси, спорт-соғломлаштириш (тренажёр) хоналари мунтазам фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, «Камолот» ЁИҲ бошланғич ташкилоти ҳузурида «Дониш», «Сардорлар» клублари ҳамда «Аш-Шифо» театр- студияси иш олиб бормоқда. Институт талабалари республика ва вилоят миқёсида ҳар йили ўтказилиб келинаётган барча кўрик-танловлар ва мусобақаларда фаол иштирок этиб келмоқдалар. Масалан, «Мустақиллик менинг тақдиримда» расмлар кўрик танлови, “Мен келажаги буюк давлат фарзандиман” мавзусида иншолар кўрик танлови, вилоят марказида ўтказилган «Гиёҳвандлик аср вабоси» расмлар кўрик- танловида фахрли биринчи ўрин қўлга киритилди.

Суратда: институт талабалари Бухоронинг тарихий обидалари билан танишмоқдалар.

Республика олий ўқув юртлари талабаларининг “Ниҳол - 2002” танловида “Ёшларнинг муаммоси ёритилган энг яхши спектакл” номинацияси бўйича Бухоро давлат тиббиёт институти театр жамоаси “Оқ ажал” спектакли учун лауреатлик дипломи билан тақдирланди. Республика олий ўқув юртлари талабаларининг “Хазина-2005” танловида институт театр жамоаси “Гаворабандон, саллабандон” номли асари учун Ўзбекистон фольклор фестивали ташкилий кўмитаси томонидан лауреатлик дипломи билан тақдирланди.

Шунингдек, институтимиз талабалари 2006 йил 15-19 май кунлари Ўзбекистон Миллий Университетида ўтказилган «Ниҳол-2006» кўрик танлови, 2005 йил 19 августда Бухорода ўтказилган «Гуллар байрами» кўрик танловида совриндор бўлишди. Жумладан, улар «Энг яхши гуллар номинацияси» бўйича вилоятда 1-ўрин эгаллашди. Институтнинг 2 нафар талабаси 2006 йил 18-20 декабрь кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилган «Келажак овози» кўрик-танловининг республика босқичида фаол иштирок этди.

Институтда спорт соғломлаштиришга алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, ҳар йили талабалар ҳамда профессор-ўқитувчилар орасида спартакиада мусобақалари ўтказилиши йўлга қўйилган, спорт турлари бўйича тегишли тадбирларни ўтказиш режаси ишлаб чиқилган ва масъул мураббийлар тайинланган. Кафедра ўқитувчилари ва тўғарак раҳбарларининг тайёргарлик даражаси малака ошириш ва қайта тайёрлашдан ўтганлиги бугунги кун талабига жавоб беради. Институтда «Талаба» спорт клуби ташкил этилган бўлиб, спортнинг 8 тури бўйича тўғараклар фаолият кўрсатиб турибди. Институт спорт мажмуида 100 дан ортиқ маҳалла ёшлари футбол, волейбол ўйинларига қатнашадилар ҳамда тренажёрда шуғулланадилар.

Суратда: институт тренажёрлар залида машғулотлар.

Институтимизда ҳар йили 5-8 та спорт турлари бўйича турли мусобақалар ўтказилиб борилади. Наманган шаҳрида ўтказилган «Универсиада-2000» спорт мусобақаларида 36 нафар йигит ва қизларимиз иштирок этиб, спортнинг теннис тури бўйича бронза, Бухоро шаҳрида ўтказилган «Универсиада-2002» спорт мусобақаларида 12 нафар йигит ва қизлари иштирок этиб, спортнинг қўл тўпи, боллейбол, баскетбол, сузиш турлари бўйича 5 та кумуш медал соҳиби бўлишди. Самарқанд шаҳрида ўтказилган «Универсиада-2004» спорт мусобақаларида институтимизнинг 16 нафар йигит ва қизлари иштирок этиб, баскетбол туридан 2-ўринни эгаллаб, кумуш медали соҳиби бўлдилар. Унда республикада мавжуд 8 та тиббиёт институтлари орасида олийгоҳимиз рейтинг натижаси бўйича иккинчи ўринни эгаллади.

Ҳар қандай жамият ўз фуқароларининг соғлиги учун қайғуради, чунки соғлом халқгина соғлом тафаккурга, соғлом турмуш – тарзига, демакки тараққиётга эришади. Мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб, тиббиёт ва соғлиқни сақлаш соҳасига катта эътибор берилаётганлиги бежиз эмас. Кейинги ўн йилликда Ўзбекистонда ҳар бир йилга “Оналар ва болалар”, “Оила”, «Аёллар йили», “Қарияларни қадрлаш”, “Меҳр ва мурувват”, “Сихат саломатлик”, “Ҳомийлар ва шифокорлар”, «Ижтимоий ҳимоя йили», “Ёшлар йили”, “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” каби номларнинг берилиши билан боғлиқ равишда амалга оширилган давлат дастурларида ҳам аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш мақсади биринчи ўринга қўйилганлиги ҳаммамизга маълум. 1998 йилда қабул қилинган “Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури” эса бу борада туб ўзгаришларга йўл очиб берди. Республикада аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш тизими тўлиқ қайта кўриб чиқилди. Шошилиш тиббий ёрдам кўрсатиш марказлари, оналик ва болаликни муҳофаза қилувчи скрининг марказлар, диагностика марказлари вужудга келди. Бундан ташқари тиббиёт соҳалари бўйича илмий – текшириш институтлари ташкил этилганлиги, қишлоқ врачлик масканлари, хусусий поликлиника ва клиникалар очилганлиги катта ўзгаришлар ва янгиланишлардан далолат бериб турибди.

Ушбу давлат дастурлари ижросини таъминлаш мақсадида қуйидаги йўналишлар бўйича ишлар ташкил қилинди:

- институт профессор-ўқитувчилари томонидан аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга қаратилган 100 дан ортиқ оммавий ахборот воситаларида чиқишлар 200 га яқин мультимедиялар яратилди;

- Давлат дастурлари асосида 10 дан ортиқ республика илмий-амалий анжуманлари ўтказилди. Жумладан, 2006 йил 1 март куни “Бухоро Палас” меҳмонхонасида «Диабетологиянинг замонавий муаммолари», 2006 йил 12 май куни Бухоро Давлат тиббиёт институтида «Тиббиётнинг долзарб муаммолари», 2006 йил 29 апрелда «Бухоро Палас» меҳмонхонасида «Эндокрин ташхисларини аниқлаш, даволаш ва олдини олишнинг замонавий усулларини қўллаш» мавзуларида Республика илмий-амалий конференциялари ташкил этилди.

Вилоятнинг ташкилот, корхона ва муассасалари ҳамда аҳолининг кенг қатламлари орасида соғлом турмуш тарзининг долзарб муаммоларига қаратилган тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб боришга доир қатор давра суҳбатлари, учрашув-мулоқотлари, семинарлар ташкил этилди.

Талаба-қизларни оилавий ҳаётга тайёрлаш борасида «Оила қуришга тайёرمىсиз?», «Тўғри овқатланиш саломатлик гарови», «Қалб поклиги ва тан саломатлиги» каби мавзуларда давра суҳбатларини ўтказилди.

Профессор-ўқитувчилар ва талабаларнинг таътил даврини мазмунли ва самарали ташкил этиш ва уларнинг саломатлигини тиклаш мақсадида сиҳатгоҳларга имтиёзли йўлланмалар берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 августдаги “Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги ПҚ-451-сонли қарори маънавий-маърифий ишлар таъсирчанлигини оширишда муҳим роль ўйнади. Мазкур қарорга биноан асосий эътибор талаба-ёшларни мамлакатимизда мустақилликни мустаҳкамлаш жараёнида амалга оширилаётган ижтимоий,

сиёсий маънавий-маърифий вазифаларинг туб моҳиятини англайдиган ва уларни бажаришга қодир юқори малакали мутахассислар ҳамда баркамол комил инсонлар этиб тарбиялашга қаратилмоқда. “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” фанини ўқитишда замонавий педагогик технологиялардан, ноанъанавий усуллардан фойдаланишга эътибор қаратилмоқда. “Ижтимоий фанлар” кафедраси йўналишидаги фанлар бўйича назарий ва амалий машғулотларни кўргазмали ва техникавий воситалар ёрдамида мазмунли ўтказиш, айниқса, маънавият дарсларида талаба-ёшлар онгига мустақиллик ғояларига содиқлик, Ватанга садоқат, эл-юрт хизматиغا фидойилик туйғуларини сингдиришга эътибор қаратилмоқда. Талаба-ёшларни буюк алломаларимиз маънавий меросини, миллий урф-одат, қадриятларни тиклаш, уларни эътиқод даражасида эъзозлашга ўргатиш мақсадида мультимедиялар, видеофильмлар яратилди. Масалан, Абу Али ибн Сино, Абдулхолиқ Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд ва бошқа буюк донишмандларимизнинг таълимотларига бағишлаб ана шундай интерактив воситалар жорий этилди.

Суратда: Абу Али ибн Сино ҳаёти ва фаолиятига бағишлаб ўтказилган анжуманлардан бири.

Республикадаги тиббиёт олий ўқув юртлари учун ҳам ибрат бўла оладиган тадбирлардан бири ҳар йили 2 сентябрь “Билимлар куни”да 1-курс талабаларининг Афшонага ташрифидир. Институт остонасига илк қадам қўйган ёшлар таъбат осмонининг сўнмас юлдузи, буюк ватандошимиз Абу Али ибн Сино ҳайкали пойига гулчамбар қўйиб, шифокорлик қасамёдини қабул қиладилар. Бу ёшларнинг хотирасида бир умр сақланиб қоладиган даъваткор маънавий ҳодиса бўлиб қолади. Бухоро шаҳри мовий осмон остидаги маънавият маскани. Унинг тарихий ёдгорликлари, музейлари ва театрларини томоша қилган ёшларимиз унутилмас маънавий озуқадан баҳраманд бўладилар.

Суратда: институт талабаларининг Абу Али ибн Сино таваллуд топган Афшона қўрғонида унинг ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйишлари пайти.

Талаба-ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда уларни эзгу мақсадлар сари бирлаштириш ва етаклаш мақсадида турли кўринишдаги ёшлар уюшмалари ташкил топди ва фаолият кўрсатмоқда. Дастлаб 1992 йилда Ёшлар иттифоқи уюшмаси ташкил этилиб, ушбу уюшмага А.Эргашев раҳбарлик қилган. 1995 йилда Ўзбекистон ёшларини қўллаб-қувватлаш мақсадида “Камолот” ёшлар жамғармаси ташкил этилди. Ушбу жамғарманинг институт бўлимига дастлаб Ж.Даминов, 1997- 2001 йилларда Ф.Р.Маматова раис сифатида фаолият кўрсатди.

2001 йилда “Камолот” ёшлар жамғармаси “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатига айлантирилди. Ҳаракатнинг мақсади: мамлакатимиз ёшларини озод ва обод Ватан яратишдек улуғ мақсад йўлида бирлаштириш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, мустақил Ўзбекистоннинг жисмонан соғлом, маънан етук, дунёқарашлари теран, мустақил фикрловчи, миллий ва умумбашарий кадриятларга асосланган демократик тамойилларни, бозор иқтисодиёти асосларини чуқур эгаллаган фуқароларини вояга етказишга ҳар томонлама кўмаклашиш, ўсиб келаётган, авлоднинг инсон ҳуқуқлари ва кадр-қимматини улуғлашга, халқимизнинг обрўси ва нуфузини, юртимизнинг шон-шуҳратини оширишга хизмат қиладиган узоқ муддатли, кенг кўламли ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий жараёнлардаги фаол иштирокини таъминлашдан, ҳаракатни чин маънодаги ёшлар суянчи ва таянчига айлантиришдан иборатдир. Кейинги йилларда бошланғич ташкилот бош етакчилари сифатида Ш.Турсунов, А.Жўраев, Ж.Эшонқуловлар фаолият кўрсатишган. 2006 йилдан ҳозирга қадар К.К.Саидов “Камолот” ЁИҲ бошланғич ташкилот бош етакчиси, талабалар ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоялаш проректори сифатида фаолият юритмоқда.

2004-2005 ўқув йилида А.Жўраев, Ж.Эшонқулов Республика “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий Кенгаши стипендианти бўлдилар. “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббуси остида талабалар учун инглиз тили тайёрлов курслари ташкил этилди.

Охирги 3 йил давомида “Камолот” ЁИХ бошланғич ташкилоти аъзолари қуйидаги ютуқларга эришишди:

- Болтаева Азиза 2006-2007 ўқув йилида “Камолот таълим гранти” танлови ғолиби.

- Нарзуллаева Меҳринисо Республика “Камолот стипендияси – 2007” соҳибаси.

- Нарзуллаева Меҳринисо Республика “Келажак овози 2007” мега-танловининг “Ижтимоий лойиҳалар ва бизнес режалар” номинацияси бўйича Бухоро вилоят босқичи ғолиби.

- Бакиев Шаҳобиддин “Талаба баҳори – 2008” ёшлар фестивалининг “Спорт” йўналиши бўйича иштироки учун тақдирланган.

- Ҳамроев Иззат Республика “Камолот стипендияси – 2008” соҳибаси.

- К.К.Саидов 2008 йилда “Ўзбекистон белгиси” кўкрак нишони соҳибаси бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг музейлар ташкил қилиш қарорига биноан Бухоро тиббиёт институтининг 5 йиллиги муносабати билан 1995 йилнинг сентябрида олийгоҳимизда Абу Али ибн Сино номли музей очилди. Музейни очишдан мақсад: Бутун дунёда машҳур бўлган Абу Али ибн Сино юртида тиббиёт даргоҳида буюк олимнинг тиббиёт тарихидаги хизматини кўрсатишдан иборатдир. Музейда институт кафедралари фаолияти, тиббиёт тарихини сақлаш, бойитиш, соғлиқни сақлашда эришилган ютуқларни акс эттирувчи кўргазмалар мавжуд. Музейда 250 та ҳужжат

кўргазмага қўйилган, 950 та муҳр, ҳужжат ва расмлар музей фондида сақланмоқда.

Суратда:музей залининг умумий кўриниши.

Музейимиз 2005 йилда замонавий даражада реконструкция қилинди, кўргазмалар янги ҳужжатлар ва рангли расмлар, замонавий мебеллар, экспонатлар, рамкалар, жонсиз ҳайкаллар билан бойитилди.

Бухоро давлат тиббиёт институти маънавиятчилари келгусида ҳам республика ҳукумати томонидан олиб борилаётган ички ва ташқи сиёсатнинг моҳияти, барча жабҳалардаги ислоҳотлар, миллий истиқлол ғояси ва мафкурасини ёшлар онгига сингдириш бўйича самарали таъсир усулларидан фойдаланиш мақсадида изланишларни давом эттириб, давр билан ҳамнафас бўлиш учун барча имкониятларни ишга соладилар.

Институтнинг молиявий ҳўжалик фаолияти



Х.А.ҚОСИМОВ,

Бухоро Давлат тиббиёт институтининг молия ва иқтисодиёт ишлари бўйича проректори, тиббиёт фанлари номзоди:

—Институт ташкил этилган вақтда молиявий хўжалик бўлимида 14 нафар ходим фаолият кўрсатар эди. 1995 йилдан бошлаб ушбу бўлим таркибида молия – режа, 1998 йил март ойидан бошлаб маркетинг бўлимлари ташкил топди. Маркетинг хизмати бўлими Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 1998 йил 26 феврал № 81-сонли “Таълим хизматлари кўрсатиш бозорини шакллантириш ва кадрлар тайёрлаш соҳасида маркетингни жадаллаштириш чоратадбирлари” тўғрисидаги буйруғига асосан ташкил этилди.

1998-2002 йилларда бўлимни тиббиёт фанлари номзоди, доцент Ш.С.Гаффаров, 2003- 2007 йилларда тиббиёт фанлари номзоди, доцент Д.М.Мусаева, 2007 -2008 йилларда тиббиёт фанлари номзоди, доцент У.Р.Тўраев ва 2008 йилдан айна маҳалгача биология фанлари номзоди доцент И.Б.Шукуров бошқариб келмоқда.

Институт ташкил этилган кундан бошлаб молиявий хўжалик бўлимининг асосий вазифаси унинг молиявий ва моддий – техник базасини ривожлантиришга ҳамда талабаларнинг ўқиши, дам олиши, яшаши учун шароит яратишга йўналтирилган.

Институт дастлаб 5 та асосий ва ёрдамчи биноларда фаолиятини бошлади. Булар: 3 та ўқув биноси, 1 та талабалар турар жойи, 1 та спорт соғломлаштириш биноси эди. Машғулотлар 112 та ўқув аудиториялари, 5 та умумназарий ва умумтаълим лабораторияларида ўтар эди.

Талабалар яшаши учун ўшанда Бухоро педагогика билим юрти ётоқхонасидан 125та ўрин ажратилди. 1992 йилда индустриал педагогика билим юрти ётоқхонасидан қўшимча 100 та ўрин ажратилди. 1995 йил маданият билим юрти ётоқхонасининг 1 – қаватидан институт талабалари учун яна 80та ўрин ажратилди. 1997 йил ушбу бино тўлиқ институт тасарруфига ўтказилиб талабалар яшаши учун 400 ўрин ташкил этилди ва бугунги кунда ушбу бинода 415 талабага яшаш учун шароит яратилган.

1996 йилда барча шароитлар мавжуд бўлган спорт соғломлаштириш ва стоматология марказлари учун бинолар ажратилди ва тегишли спорт ҳамда ўқув – лаборатория жиҳозлари билан таъминланди.

Бугунги кунда институт талабаларининг ўқиши, дам олиши, спорт билан шуғулланиши учун барча шароитлар яратилган 6 та бино мавжуд. Булар: 4 та ўқув жараёни билан боғлиқ бўлган бинолар, 1 та спорт соғломлаштириш маркази, 1 та талабалар турар жойи.

Институт умумий майдони 21749м^2 ни, шундан ўқув аудиториялари эгаллаб турган майдон 20847м^2 ни ташкил этади. Институтда ўқув техник воситалари билан жиҳозланган 312 та ўқув аудиториялари, 14 та умумназарий ва умумтаълим лабораториялари, 2 та махсус техник лаборатория, 11 та компьютер синфлари, 5 та кутубхона, 2 та спорт зали ва 5 та спорт майдончалари, 254 ўринга мўлжалланган 6 та овқатланиш шахобчалари ва 1 та 415 ўринга мўлжалланган талабалар турар жойи мавжуд.

Ҳозирги кунда институтда 238 комплект замонавий “Пентиум” русумли компьютерлар талабалар ихтиёрида. Дарс жараёнида мультимедиялардан фойдаланиш учун 12 та замонавий видео проекторлар, масофадан ўқитиш хоналари, мультимедиа хоналари, электрон кутубхоналар жиҳозланган. Компьютерларнинг 226 таси ўқув жараёнига бевосита фойдаланилмоқда. Институтни ҳозирги замон талаби асосида электрон техникалари билан таъминлаш 2005 йилдан бошлаб жадаллаштирилди. Жумладан, “Пентиум –IV”

компьютерларининг 60 комплекти, видео проекторларнинг 10 комплекти, ноутбук компьютерларининг 4 донаси 2005 – 2008 йиллар давомида сотиб олинди. Институт бўйича ҳар 8,4 талабага 1 та компьютер тўғри келади.

1990 – 2008 йилларда компьютер билан таъминланиш даражаси

Ўзув мазмун	1990	1996	2000	2004	2005	2006	2007	2008
Компьютер сон (дона)	-	17	52	122	158	191	210	238

- Институтнинг моддий-техника базасини яхшилаш учун 2000-2008 йилларда барча манбалар бўйича 172 млн 140,7 минг сўмлик ўқув асбоблари, оргтехника ва компьютерлар, китоблар ва ўқув адабиётлар, каттиқ ва юмшоқ жиҳозлар сотиб олинди. Ушбу йилларда замонавий “Pentium-IV” русумли компьютерлардан 53 комплекти, видеопроекторлар 7 комплекти сотиб олинди.

- Чет эл ва МДХ давлатларида ўқув, илмий адабиётлар, Россияда чоп этилаётган қирқдан ортиқ журнал ҳамда газеталар ва республикада чоп этилган ўқув, бадиий адабиётлар олинган. Шу мақсадда бюджет ва бюджетдан ташқари маблағ ҳисобидан 29 млн.322,9 минг сўмлик адабиётлар сотиб олинди .

- Институтда дарс жараёнини сифатли ўтказиш мақсадида барча аудитория ва лаборатория хоналари стол- стуллар, техник воситалар билан таъминланган бўлиб, жорий йилда каттиқ жиҳозлар учун 28 млн 827,5 минг сўмга; талабалар турар жойида истиқомат қиладиган талабалар учун кўрпачулик ва комплект юмшоқ жиҳозларга 15 млн. 681,0 минг

сўмга;лабаратория ва кўргазмали воситалар учун 14 млн.913,7 минг сўмга моддий- техника ресурслари кирим қилинди.

- Талабалар турар жойида радио узель маркази, ошхона, маиший хизмат хонаси, кизлар гигиена хонаси, тез тиббий ёрдам хоналари, маънавият – маърифат хонаси ва ахборот ресурслари маркази ташкил қилинган.

- Талабалар турар жойи спорт- соғломлаштириш марказига 8300,0 сўмлик замонавий спорт анжомлар ва дам олиш учун мебеллар сотиб олинди.

Институтда мавжуд бўлган ўқув биноларининг таъмирталаб жойлари жорий таъмирланди. Талабалар турар жойи 1-,2-,3-,4- қаватлари замон талаблари асосида капитал таъмирланди. Таъмирлаш ишлари учун 294 млн сўм маблағ сафарбар этилди.

Янги АКФА деразалари, эшиклар, электр, иситиш тармоқлари, сан узел хоналари тўлиқ таъмирдан чиқарилиб, янгисига алмаштирилди, бино атрофлари ободонлаштирилди.Мевали, манзарали ва гул кўчатлари ўтказилди.Институт атрофидаги боғларда ҳам ободонлаштириш ишлари амалга оширилиб, бу мақсадлар учун 9815,0 маблағ сарфланди.

Институтнинг стоматологик маркази ҳамда 2 та умумий амалиёт врачлари тайёрлаш марказлари ҳам замон талабларига мос ҳолда таъмирланиб, янги мебел ва асбоб - ускуналар билан жиҳозланди.

Аҳолига юқори малакали тиббий хизмат кўрсатиш ва ўқув жараёнларининг сифатини янада яхшилаш мақсадида 2008-2009 йилларда Хитой кредити асосида 384226797,38 сўм, 287011,1 АҚШ доллари миқдорида тиббий асбоб-ускуналар ва ўқув – лаборатория жиҳозлари олинди, улар амалиётда қўлланилмоқда.

Институт буйича 1995-2008 йилларда бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан молиялаштириш қуйидагича амалга оширилди:

- 1995 йилда 104 млн. 312,5 минг сўм.
- 2000 йилда 360 млн. 474,6 минг сўм.
- 2004 йилда 1 млрд. 074млн 258,3 минг сўм.
- 2005 йилда 1 млрд. 292 млн 154,1 минг сўм.
- 2006 йилда 1 млрд. 537 млн 204,9 минг сўм.
- 2007 йилда 2 млрд. 159 млн 419,9 минг сўм.
- 2008 йилда 2 млрд 550 млн 902,0 минг сўм.

Жами 1995 – 2008 йилларда 9 млрд. 78 млн. 726,0 минг сўм маблағ молиялаштирилди.

1995-2008 йилларда бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар ўзгариши қуйидагича бўлди:

(минг сўм

ҳисобида)

Йиллар	Умумий тушумлар микдори	Шу жумладан			
		Бюджет ҳисобидан тушган маблағлар		Бюджетдан ташқари тушган маблағлар	
		Микдори	Умумий тушумлар микдори га нисбатан улуши, %	Микдори	Умумий тушумлар микдори га нисбатан улуши, %
1995	104312,5	102814,5	98,6	1498,0	1,4
2000	360474,6	263960,4	73,2	96514,2	26,8
2004	1074258,3	520264,0	48,4	553994,3	51,6
2005	1292154,1	581470,9	45	710683,2	55
2006	1537204,9	719020,0	46,8	818184,9	53,2
2007	2159419,9	1020835,2	47,3	1138584,2	52,7
2008	2550902,0	1405144,0	55,1	1145758,0	44,9

Институт фаолиятини бюджет ҳисобидан молиялаштириш ҳажми 2008 йилда 1 млрд. 405 млн. 144,0 минг сўмга тенг булди ва унинг микдори умумий молиялаштиришга нисбатан 55,1 фоизни ташкил этди.

Бюджет маблағлари ҳисобидан иш ҳақи тўловлари тасдиқланган штатлар жадвали, иш вақти табеллари ҳамда иш ҳақи тўловларига тегишли бўлган бошқа ҳужжат ва кўрсатмалар асосида олиб борилди. Мукофотлаш ва устамалар белгиланган тартибда махсус рағбатлантириш ва тежалган иш ҳақи фондлари доирасида амалга оширилди.

Талабалар ҳамда аспирант ва докторантларга стипендия тўловлари, стипендиялар белгилаш ва тўлаш белгиланган тартибларга қатъий риоя қилинган ҳолда амалга оширилди. Натижада стипендия фондидан самарали фойдаланишга эришилди ва ортиқча сарфланишларга йўл қуйилмади.

Коммунал хизмат турлари бўйича шартномалар тузилиб, тасдиқланган харажат сметалари ва ажратилган лимитлар асосида мониторинг қилиб борилди. Барча тўловлар ўлчагич кўрсатмалари асосида амалга оширилди.

Институтда бюджетдан ташқари маблағларининг асосий манбалари талабаларнинг тўлов шартнома тушуми ва тадбиркорлик асосида ишлаб топилган маблағлардан иборатдир.

1995 – 2008 йилларда бюджетдан ташқари маблағлар тушуми кўрсаткичлари

(минг сўм

ҳисобида)

Йилл	Умумий тушумлар миқдори	Шу жумладан	
		Контракт асосида ўқитишдан тушган пуллар	Тадбиркорлик асосида ишлаб топилган
1995	1498,0	1436,0	62,0
2000	96514,2	94380,2	2134,0
2004	553994,3	536777,7	17216,6
2005	710683,2	699189,2	11494,0

2006	818184,9	806984,9	11200,0
2007	1138584,2	1121273,2	17311,0
2008	1145758,0	1124343,0	21415,0



Ф.Э.Нурбоев,

Бухоро давлат тиббиёт институти даволаш факультети декани, халқаро ЮНЕСКО ташкилоти Шарк таботати касб касалликлари ва физиотерапия кафедраси мудир, тиббиёт фанлари номзоди, доцент:

— Факультетимиз 1991 йилнинг сентябр ойидан ўз фаолиятини бошлади. Шу йили институтнинг 1 курсига 450 нафар талабалар қабул қилиниб, 2-курсга — 177 нафар, 3-курсга — 162 нафар талабалар мамлакатнинг бошқа тиббиёт институтларидан кўчирилди.

Факультетда «даволаш иши» — 5720100 йўналиши бўйича “Умумий амалиёт шифокори” врачлари тайёрланади. Ўқиш муддати- 7 йил.

Институтимизни 1995 йилда — 162 нафар, 1996 йилда — 292 нафар, 1997 йилда — 430 нафар, 1998 йилда — 203 нафар, 1999 йилда —?, 2000 йилда — 172 нафар, 2001 йилда — 132 нафар, 2002 йилда — 105 нафар, 2003 йилда — 130 нафар, 2004 йилда — 137 нафар, 2005 йилда — 151 нафар, 2006 йилда — 146 нафар, 2007 йилда — 156 нафар, 2008 йилда — 151 нафар талаба битирган. 14 йил давомида жами битирувчилар сони 2367 нафарни ташкил этади.

Даволаш факультетини битирган талабалар Республикаимизнинг барча вилоятларида ҳамда хорижий мамлакатларда фаолият кўрсатиб келишмоқда.

Факультетда 15 нафар профессор ва фан докторлари ҳамда 83 нафар фан номзодлари ва доцентлар меҳнат қиладилар. Факультет таркибида 14 та кафедра мавжуд. Ўтган 17 йил ичида факультет профессор-ўқитувчилари томонидан 7 та дарслик, 13 та ўқув қўлланма, 21 монографиялар, 1276 та мультимедиалар, 67 та видеофильмлар яратилган.

Даволаш факультетига 1991-1992 йилларда доцент Ў.Х.Хасанов, 1992-1993 йилларда доцент Р.Д.Давронов, 1993-1994 йилларда профессор У.Б.Бекмуродов, 1995-1996 йилларда профессор З.Ж.Жалолов, 1996-1998 йилларда доцент И.А.Мирходжаев, 1998-2002 йилларда доцент Р.Ш.Қурбонов, 2002-2007 йилларда доцент Ш.Ж.Тешаев раҳбарлик қилганлар.

Даволаш факультетини тугатганлар орасида 1 нафар фан доктори, 21 нафар фан номзоди, 35 нафардан ортиқ даволаш муассасаларининг раҳбарлари бор. Турли олий ўқув юртларида ассистентлик қилаётганлар 120 нафарни, тиббиёт коллежларида ўқитувчилик қилаётганлар 58 нафарни ташкил қилади.

Халқаро ЮНЕСКО Шарқ таълим ва таълим кафедраси 1999 й 1 сентябрь куни ЮНЕСКО ташкилотининг бош директори Коичиро Матцууро ва Бухоро Давлат тиббиёт институти ректори Р.М.Аҳмедов ўртасида имзоланган шартнома асосида ташкил этилди.

Кафедрага дастлабки йилларда тиббиёт фанлари номзоди, доцент Н.П.Шоназаров раҳбарлик қилган. Доцент Х.Н.Қаюмов, ассистентлар С.С.Тошев, Э.Э. Ҳамроев, Ш.Ш.Тиллаева кафедрада фаолият кўрсатганлар. Мен 2000 йилдан бошлаб кафедрага раҳбарлик қилиб келмоқдаман. Кафедра укув базалари таркибига аллергология, ревматология булимлари ажратилган.

Ҳозирги вақтда кафедрада 2 нафар доцент, 7 нафар ассистент, 5 нафар клиник ординатор ва 1 нафар лаборант ишлаб келмоқдалар.

Кафедрада Ибн Сино таълимоти, физиотерапия, аллергология, касб касалликлари, игнатерапия, реабилитология, гериатрия фанларидан амалий машғулотлар

олиб борилади, маърузалар эштилади. Дарс жараёнида интерактив «Заковат», «Стол устида ручка», «Мия штурми» усулларида кенг фойдаланилади.

Кафедра ички касалликларда Шарқ табобати билан замонавий даволаш усулларида самарадорлигини аниқлаш йўналишида илмий изланишлар олиб боради. Кафедрада Ибн Сино рецептлари асосида бир неча хил қайнатма – дамламалар ва дори препаратлар тайёрланди.

Кафедра ходимлари томонидан Ибн Сино таълимоти бўйича намунавий ўқув дастури тайёрланди ва шу асосда даволаш, стоматология, тиббий педагогика факультети талабаларига Ибн Сино таълимотидан амалий машғулотлар ўтказилиб, маърузалар ўқиляпти. Кафедрада ўқитиладиган барча фанлар бўйича 32 та ўқув-услубий, шу жумладан, Ибн Сино таълимотидан ўқув қўлланма тайёрланди.

1999 йил 1 сентябрида Бирлашган Миллатлар ташкилотининг ЮНЕСКО ташкилоти билан ўн йиллик ҳамкорлик тўғрисида шартнома тузилди. Шу асосда институт ҳузурида Шарқ табобати билан шуғулланувчи ЮНЕСКО кафедраси фаолият кўрсата бошлади. Кафедрани тузишдан мақсад қуйидагилардан иборат эди:


1. Шарқ табобати (Халқ табобати) услубларини чуқур ўрганиш, уларни қайтадан тиклаш, оммалаштириш ва кенг қўллаш учун асосларни ишлаб чиқиш;

2. Шарқ алломалари Абу Али ибн Сино ва бошқаларнинг тиббий, фалсафий, илмий назарияларини чуқур ўрганиш ва улардан кенг фойдаланиш.

Кафедра ўқитувчиларидан тиббиёт фанлари номзоди, доцент Х.Н.Қаюмов, ассистентлардан А.Ф.Кенжаев, Ш.Ш.Тиллаева, Д.Б.Раҳматова ва бошқалар шу йўналишда фаолият кўрсатиб, шифобахш гиёҳлар асосида кашф этилган бир неча самарали дориларни яратишди. Жумладан, таркиби товук жиғилдони шиллиқ пардаси, гулихайри ўсимлиги, беда ва бодринг уруғидан ташкил топган “Литолис” таблеткаси ўт халтаси ва жигардаги тошларни эритиши кўпдан кўп

тажрибаларда тасдиқланди. Таркиби “зўри замин”, петрушка, рум арпабодиёни ўсимликлари ва новвотдан иборат бўлган “Диорин” таблеткаси ич кетиш касалликларида самарали восита бўлиб хизмат қилмоқда. Худди шундай усулда турли гиёҳлардан яратилган “Стомалон” таблеткаси оғиз бўлиғи яллиғланишида буриштирувчи дори сифатида ишлаб чиқилди.

Кафедра мунтазам равишда “Халқаро Ибн Сино ўқишлари” илмий –амалий конференциялари ташкил этиб келмоқда.



У. И. Нуоров

Бухоро Давлат тиббиёт институти стоматология факультети декани, тиббиёт фанлари номзоди, доцент:

— Факультетимиз 1992 йил январ ойидан ўз фаолиятини бошлади. 1993-2004 йил май ойигача факультетни доцент Ю.Х.Юнусов, 2004 йил май ойидан ноябр ойигача т.ф.н. Г.Э.Идиев бошқарган . Шундан кейин факультетга мен раҳбарлик қилиб келмоқдаман.

Агар 1992 ўқув йилида бошланғич қабул 150 нафар талабани ташкил этган бўлса, бундан кейин йил сайин ошиб борди. 1997 йилда илк битирувчилар сони 86 нафарни, 1998 йилда — 78 нафарни, 1999 йилда — 90 нафарни, 2000 йилда — 71 нафарни, 2001 йилда — 72 нафарни, 2002 йилда — 83 нафарни, 2003 йилда — 86 нафарни, 2004 йилда — 80 нафарни, 2005 йилда — 105 нафарни, 2006 йилда — 101 нафарни, 2007 йилда — 76 нафар, 2008 йилда — 120 нафарни ташкил қилди. Жамми битирувчилар сони 983 нафарни ташкил этади.

Факультетда «Стоматология иши» — 5720400 йўналиши бўйича врач стоматологлар тайёрланади. Ўқиш муддати — 5 йил. Стоматология факультетини битирган талабалар

республикамизнинг барча вилоятларида ҳамда хорижий мамалакатларда фаолият кўрсатиб келишмоқда. Факультет таркибида энг янги замонавий стоматологик асбоб ускуналар билан жиҳозланган стоматология маркази ташкил этилган.

Стоматология факультетида 5 нафар фан доктори, 18 нафар тиббиёт фанлари номзоди ва доцентлар, 51 нафардан ортик ассистентлар меҳнат қиладилар. Факультет таркибида 10 та кафедра мавжуд.

Факультет профессор- ўқитувчилари томонидан 1 та дарслик, 2 та ўқув қўлланмаси, 5 та монография, 261 дан ортик мультимедиялар яратилган бўлиб, ўқув жараёнида мунтазам равишда қўлланилиб келинмоқда.

Стоматология факультетини тугатганлар орасида 4 та фан номзоди,

10 дан ортик даволаш муассасаларининг раҳбарлари бор. 35 нафар ассистентлар турли олий ўқув юртларида фаолият кўрсатиб келишмоқда.



Н.Х.Воҳидов,

Тиббий педагогика ва олий ҳамширалик иши факультети декани оториноларингология ва офталмология кафедраси муdiri, тиббиёт фанлари номзоди, доцент:

— Факультетимиз дастлабки даврларда даволаш факультети таркибида олий ҳамширалик иши бўлими сифатида фаолият кўрсатди. 2001 йил 15 июндан факультет таркибида тиббий педагогика бўлими ҳам ташкил этилди, Мазкур бўлимларга ўрта махсус маълумотли ҳамширалар умумий қоидаларга биноан ўқишга қабул қилинар эди. Ўқиш муддати 3 йил бўлиб, факультетни тугатган талабалар соғлиқни сақлаш

тизимининг мураккаб иш жараёни бўлган бўлимларига, тиббиёт коллежларига ишга юборилди.

2007 йил 5 ноябрда эса тиббий педагогика ва олий ҳамширалик иши бўлимлари алоҳида факультет сифатида фаолият бошлади. Мазкур тиббий педагогика факультетида ўқиш муддати 7 йил. Факультетда 15 нафар профессор, 87 нафардан ортиқ фан номзодлари ва доцентлар фаолият кўрсатадилар. Ҳозирда факультетда 245 нафар талаба таҳсил олмоқда. Факультет таркибида 9 та кафедра мавжуд.

Тиббий педагогика факультетини илк бор 14 нафар талаба тугатиб, турли даволаш массасаларида умумий амалиёт шифокори, педагог мутахассислиги бўйича фаолият кўрсатмоқдалар.

Оториноларингология кафедрани эса 1993 йил январ ойида ташкил этилди. Кафедра мудирини этиб Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби, тиббиёт фанлари доктори профессор А.И.Мўминов тайинланди. 1996 йилдан бошлаб кафедрага мен раҳбарлик қилмоқдаман. Кафедрада ўтган давр мобайнида доцент В.Р. Пўлатов, ассистентлар А.Ш.Хўжаева, Ғ.Ғ.Саидов, А.Файзуллаев, А.Мажидов, Г.М.Одилова фаолият кўрсатдилар.

Кафедранинг илмий йўналиши: “Бухоро вилоятининг тез ўзгарувчан иқлим шароитида қулоқ, ва юқори нафас йўллари касалликларининг даво чораларини ишлаб чиқиш”

Кафедра ходимлари томонидан 1та докторлик диссертацияси (С.С.Арифов), 7 та номзодлик диссертациялари (Н.Ҳ.Воҳидов, У.И. Нуров, М.Ҳ.Ҳасанов, Ҳ.А. Болтаев, Г.М. Одилова, Н.У.Нарзуллаев, М.Алиев) ҳимоя қилинди.

Офтальмология курси фаолияти тўғрисида ҳам қисқача тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Кафедрага турли йилларда доцент С.В. Сирожева, тиббиёт фанлари номзоди З.Ҳамроева, ассистентлар Р.М.Якубов, М.О.Хўжаев, С.В.Ягудина, Г.С.Улуғова фаолият кўрсатганлар, ҳозирги пайтда ассистентлар О.М.Сафаров, Г.Р.Одилова ва У.Р. Жомардов ишламоқдалар.

2005 йил 22 февралдан бошлаб оториноларингология ва офталмология кафедралари бирлашган ҳолда фаолият кўрсатмоқда. Кафедрада турли йилларда 30 га яқин клиник ординаторлар таҳсил кўрганлар.

Кафедрада ўқув жараёнида янги педагогик технологиялардан (мултимедиялар, интернет маълумотлари) ва интер фаол усуллардан кенг фойдаланилмоқда. Кафедра ходимлари томонидан 56 та мултимедиялар, 38 та услубий қўлланмалар, 100га яқин илмий мақолалар, 3 та ўқув қўлланма, 1 та монография, 1 та дарслик, 5 та рационализаторлик таклифлари тайёрланган



М.СУЛАЙМОНОВ,

хорижий тиллар кафедраси мудир,

филология фанлари номзоди, доцент:

—Кафедра 1991 йилда ташкил топган. Кафедрада асосан лотин ва инглиз тилларидан машғулотлар олиб борилади. Ҳозирги кунда кафедрада доцент М.Сулаймонов, катта ўқитувчилар М.Ҳакимова, З.Алиева, Г.Жабборова, З.Ҳайитов ва ассистентлар З.Нематова, М.Норова, М.Баротова, Г.Қодирова фаолият кўрсатмоқдалар.

Айни маҳалда кафедра катта ўқитувчиси Г.Жабборова доцент К.Набиева раҳбарлигида “Тиббиёт олий ўқув юртлари талабаларини чет тилида касбий мулоқотга ўргатишнинг замонавий технологиялари” мавзусида номзодлик диссертацияси устида иш олиб бормоқда.

Кафедра ходимлари томонидан талабаларни лотин ва инглиз тилига ўргатиш мақсадида бир неча услубий ва ўқув

қўлланмалар яратилган. Жумладан, “Инглизча – русча- ўзбекча тиббий атамаларнинг изоҳли луғати”, “Тиббиёт институти талабалари учун лотин тилидаги анатомик- гистологик атамаларга доир ўқув -услугий қўлланма”, “Тиббиёт институтларининг олий ҳамширалик иши учун лотин тилидаги клиник атамаларга доир қўлланма” шулар жумласидандир.1-курс талабалари учун лотин тилидаги “Доришунослик” ўқув қўлланмаси, “Тиббиёт олий ўқув юртлари учун лотин тили ўқув қўлланмаси” чоп этирилган. Бундан ташқари 26 та мультимедия, 3 та видеофильм яратилган.

Кафедрада талабаларга дарслар ҳозирги замонавий ўқув технологиялари ва интерактив усулларни кенг қўллаган ҳолда олиб борилади.



И.И.СУЛТОНОВ,

Жисмоний тарбия, врач назорати ва даволаш физкультура кафедраси мудир, доцент:

— Кафедра 1991 йилда ташкил этилган. Унга Ҳ.Н.Ражабов раҳбарлик қилган. 2001 йилдан бошлаб кафедранинг мен бошқармоқдаман. Кафедрада турли йилларда ассистентлардан А.Т.Эргашев, У.З.Шаропов, Б.М.Жўраев, Р.И.Шорофиддинова, О.Ҳамроевлар фаолият кўрсатганлар.

Кафедра аъзолари жисмоний тарбия амалий машғулоти билан биргаликда спорт тўғрисида фаолиятини йўлга қўйганлар. Кафедрада 6 та услубий қўлланма, шу жумладан, “Гимнастика—соғломлаштирувчи, ривожлантирувчи восита” ўқув қўлланмаси тайёрланди ва чоп этилди. Кафедра ўқитувчилари томонидан 20 дан ортиқ илмий мақолалар ва тезислар чоп этилган. 2005-2006 ўқув йилида жисмоний тарбия кафедраси дастурига врач назорати ва даволаш физкультура фани ҳам киритилди.

Кафедра ўқитувчилари 2002 йил Бухоро шаҳрида, 2004 йил Самарқанд шаҳрида, 2007 йилда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган “Универсиада” талабалар ўйинларида фаол иштирок этиб, республика тиббиёт институтлари орасидаги мусобақаларда фахрий 1-,2- ўринларни олганлар. Ўтган давр мобайнида институтнинг 66 нафар талабаси “Универсиада” спорт мусобақаларида иштирок этиб, 6 та кумуш медал совриндори бўлдилар. Бундай спортчи талабалардан Шаповалова Виолетта, Абдуллаева Райхон, Турдиев Машраб икки марта “Универсиада” ўйинларида иштирок этишган.

Кафедра ўқитувчилари янги педагогик технологиялар асосида “Спорт — бизнинг фахримиз”, “Соғлом танда — соғ ақл” мавзуларида ўқув мултимедиялари яратиб, машғулотларда фойдаланиб келишмоқда.

Ҳозирги кунда кафедрада катта ўқитувчилар Ф.Б.Зокирова, К.Ф.Шокиров, С.Р.Қозоқов, ўқитувчи Ш.Жўраева самарали фаолият кўрсатмоқдалар.



Р.Д.ДАВРОНОВ,

Гистология ва тиббий биология кафедраси мудир, тиббиёт фанлари номзоди, доцент:

—Гистология кафедраси 1991 йилда ташкил этилган. Кафедра мудир этиб II Тошкент Давлат тиббиёт институти гистология кафедрасида ишлаб келган тиббиёт фанлари номзоди, доцент Р.Д.Давронов тайинланган. Кафедра ўз фаолиятини куйидаги таркибда бошлаган: доц. Р.Д.Давронов, ассистентлар Ж.А.Порсоев, Р.Ҳ.Ҳамдамов, Р.Й.Эргашев, А.А.Тўхтаев, катта лаборант Н.Н.Ҳабибуллаева.

2005 йилдан бошлаб Гистология ва Тиббий биология кафедралари бирлаштирилган ҳолда фаолият кўрсатмоқда. Унинг таркибидан ассистентлардан Ш.Сидиқова, М.Ж.Ҳамроева, Ҳ.Т.Ражабов, Н.Э.Тўқсанова, З.Ж.Жумаева, К.Ш.Жумаев, Г.Б.Очилов, Ш.Содиқов, И.Р.Маликов, Р.О.Ҳамроев, А.Ш.Юсупов, лаборантлар Ў.Нуриддинов, Р.Сафарова, Ф.Шодиева, Н.Ражабова, С.Бозорова, С.Йўлдошева, О.Бозорова меҳнат қилганлар.

Кафедрада ҳозирги пайтда доцентлар Н.Зулфикоров, С.Ф.Сулаймонов, катта ўқитувчилар Ж.А.Порсоев, Н.И.Худойкулова, ассистентлар О.И.Жабборова, А.Х.Эшонқулов ҳамда лаборантлар Н.Н.Ҳабибуллаева, Б.Азимова, З.Маликовалар ишлаб келмоқдалар.

Кафедра ходимлари ўқув, ўқув–услубий, маънавий-тарбиявий ва кенг жамоатчилик ишлари билан мунтазам шуғулланиб келмоқдалар. Кафедрада “Ташқи муҳит факторлари таъсири остида инсон ва айрим сут эмизувчи ҳайвонлар аъзоларида, хусусан, иммун тизимида кечадиган

морфо-функционал ўзгаришлар” мавзуси бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Кафедрада Гистология, цитология ва эмбриология ҳамда Тиббий биология ва генетика фанларини ўқитиш жараёнида янги таълим технологияларидан, ўқув мультимедиялари, интернет хабарлари, масофавий ўқитиш ҳамда “Айлана стол”, “Мия штурми”, “Стол устида ручка”, “Галерея бўйича турне” интерфаол усулларидан кенг фойдаланилмоқда. Кафедра ходимлари томонидан 30 дан ортиқ мультимедия, 2 та видеофильм яратилган ва 16 та услубий қўлланма, 48 та илмий мақола, 23 та тезис чоп этирилган.

Кафедра ходимларининг фаол иштирокида 2008 йил 14-17 май кунлари Бухорода “Халқаро Морфологлар” ассоциациясининг IX конгресси ҳамда Ўзбекистон Морфологлари ассоциациясининг IV қурултойи ўтказилди.



Б.З.ЎРИНОВА

Ижтимоий фанлар кафедраси мудири, тарих фанлари номзоди, доцент:

— “Ижтимоий фанлар” кафедраси 1991 йилда ўз фаолиятини бошлади. 1991-1993 йилларда кафедрага фалсафа фанлари доктори, профессор М.Х.Махмудов, 1993-1999 йилларда фалсафа фанлари номзоди, доцент З.И.Қосимова раҳбарлик қилган. 1999 йилда “Ижтимоий фанлар” кафедраси иккига ажратилган. 1999-2000 ўқув йилида “Фалсафа ва иқтисодиёт назарияси” кафедрасига доцент З.И.Қосимова ва “Ўзбекистон тарихи” кафедрасига-фалсафа фанлари номзоди, доцент С.М.Ражабова мудирлик қилганлар. 2000-2001 ўқув йилида иккала кафедра “Фалсафа ва иқтисодиёт назарияси”

сифатида бирлаштирилиб, уни иқтисод фанлари номзоди М.С.Абдуллаева бошқарган. 2001 йил август ойидан бошлаб кафедра яна 2 га бўлиниб, “Фалсафа” ва “Ўзбекистон тарихи”, деб номланди. Фалсафа кафедрасига Фалсафа фанлари номзоди, доцент Д.О. Ортиқова, “Ўзбекистон тарих” кафедрасига тарих фанлари номзоди, доцент Б.З.Ўринова мудир этиб тайинланди. 2005 йилнинг 26 февралда улар яна қайта қўшилиб, “Ижтимоий фанлар” кафедраси деб номланди ва уни 2009 йилгача Д.О.Ортиқова бошқарди.

Бугунги кунда кафедрада Фалсафа, Этика, Эстетика, Маънавият асослари, Маданиятшунослик, Диншунослик, Ўзбекистон тарихи, Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси, Социология, Конституцияни ўрганиш, Иқтисодиёт назарияси, Солиқ ва солиққа тортиш сингари 15 та фан ўқитилади.

Таълим жараёнида масофадан ўқитиш, компьютер, видео, телевидение ва интернет тармоғидан кенг фойдаланилади. Интерфаол усуллардан “Мия штурми”, “Қор парчаси”, “Аквариум”, “Айлана стол атрофида суҳбат”, “Сиёсий ахборотлар”, “Рефератлар ёзиш ва таҳлил қилиш”, “Қора яшчик” усулларидан фойдаланилади. Бу усуллар асосида “Ватанимиз ҳудудида ташкил топган дастлабки давлатлар”, “Фуқаролик ҳуқуқи тушунчаси”, “Ахлоқ ва ҳуқуқ алломалар талқинида”, “Иқтисодиёт асослари” фанини ўрганишда И.А.Каримов асарларининг аҳамияти”, “Миллий маънавий қадриятларнинг демократик жамият қуришдаги ўрни”, “Ўзбекистон ва жаҳон ҳамжамияти” мавзуларида ўқув-услубий ишлар яратилган. “Буюк ипак йўли ривожланиши ва тараққиёти”, “Инсон ҳуқуқлари-олий қадрият”, “Юксак маънавият инсонни улуглайди”, “Темур ва темурийлар даврида маданий ҳаёт” мавзуларида очиқ маърузалар ўтказилди. Кафедрда барча фанлардан электрон дарсликлар яратилган, 50 дан ортик мультимедиалар, 20 дан ортик видеофилиmlар мавжуд. Кафедрда 1 та профессор, 4 та доцент, 3 та катта ўқитувчи, 7 та ўқитувчи фаолият олиб бормоқда.



У.Х.ҲАСАНОВ,

Умумий гигиена ва экология, соғлиқни сақлашни ташкил қилиш, менежмент ва маркетинг кафедраси мудири, тиббиёт фанлари номзоди, доцент:

— Кафедра 1992 йилда ташкил қилинган. Кафедра мудири вазифасида 1992-2005 йилларда тиббиёт фанлари номзоди, доцент У.Х.Ҳасанов, (?) 1993 йилларда т.ф.н. Г.Б. Абдуллаева, (?) 1993-2005 йиллар т.ф.н. доц. Р.Ш.Қурбонов, 2005-2007 йилларда тиббиёт фанлари номзоди, доцент Р.Ш. Қурбонов фаолият кўрсатганлар. 2007 йилдан буён бу вазифада мен ишламоқдаман. Дастлабки йилларда кафедрада ассистентлар Ҳ.Н.Қаюмов, И.С. Манасова, М.Р. Мирзаева, Г.И. Атаева, ўқув ишлари ёрдамчилари З.Н. Мубинова, М.Баротов фаолият кўрсатдилар. Кейинчалик кафедрада А.А. Жумаев, Ҳ.Ж.Саломова, К.Р. Расулов, ўқув ёрдамчилари Р.Б. Рўзиева, М.Ф. Мавлонова, Г.М.Абдуллаева, М. Мухторов, Ҳ.Б.Бадалов, Л.Ф. Смайлова, М.К. Тоҳиров, Ш.З. Рахматова ўқув-услугий, амалий вазифаларни бажардилар.

Кафедранинг илмий йуналишини Бухоро вилоятида экологик вазиятни баҳолашда гигиеник омилларни аниқлаш, аҳоли ўртасида касалликлар тарқалишининг таҳлили, шаҳар ва қишлоқларда болалар ва ўсмирларнинг жисмоний ривожланиш даражасини баҳолаш, соғломлаштириш тўғрисида кўрсатмалар ишлаб чиқиш бўйича илмий изланиш белгилайди. Ҳозиргача олинган маълумотлар асосида жами 173 та илмий мақола чоп этилган. И.С. Манасова, З.Ж. Жумаева, Г.А. Қобилова, Г.А. Саломова, Ҳ.Ж. Шарипова томонидан илмий диссертациялар устида изланишлар амалга оширилмоқда.

1992-2004 йиллар мобайнида Умумий гигиена ва экология, Фу қаролар муҳофазасининг тиббий хизмати ва

соғлиқни сақлашни ташкил қилиш кафедралари алоҳида-алоҳида бўлиб, 2005 йилда Умумий гигиена ва соғлиқни сақлашни ташкил қилиш кафедра сифатида бирлаштирилди. Айни маҳалда кафедра таркибида катта ўқитувчилар И.С.Манасова, Г.А.Қобилова, Ҳ.Ж. Саломова, ассистентлар З.Ж. Жумаева, А. Жумаева, Н. Шарипова, Д.Ражабова ишламоқдалар.

Кафедрада “Фавқулодда вазиятларда тиббий хизмат кўрсатиш “ деб номланган дарслик тайёрланиб, чоп этилди. Кафедра ходимлари томонидан 1100 та слайд, 395 та схема ва таблицалар, 58 та стенд, 138 та методик қўлланма, кафедра ассистентлари томонидан 17 та илмий мақола 5 та услубий қўлланма, 5 та ўқув фильми, 124 та маъруза ёзилиб, таълим жараёнида қўлланилмоқда. Амалий машғулотларда фавқулодда вазиятларда шошилиш тиббий ёрдам кўрсатиш муляжлари, нафас йулларини очиш мосламалари, кислород аппаратлари, дозиметрик асбоблар “ДП-5М”, “Радуга -7” ўқув кино аппарати, психрометр, анемометр, люксметр ва бошқа техник воситалар қўлланилмоқда.



М.Н.ҲИКМАТОВА,

**“Ўзбек, рус тиллари ва педагогика” кафедраси
муdiri, филология фанлари номзоди, доцент:**

— Кафедра 1991 йилда дастлаб «Тиллар» кафедраси номи билан тузилган. Кафедранинг биринчи муdiri профессор Н.Т.Шодиев бўлган. 1991–1992 йилларда кафедрани филология фанлари номзоди, доцент Ё.Ҳ.Ҳамроев бошқарган. 1992 йилда «Тиллар» кафедраси иккига бўлиниб, «Хорижий тиллар» кафедраси ҳамда «Ўзбек тили, адабиёти ва рус тили» кафедраси деб номланди. «Ўзбек тили, адабиёти ва рус тили» кафедрасига 1992-1997 йилларда доцент Н.Н.Наимов раҳбарлик қилган. 1997 йилдан кафедрага мен мудирлик қилмоқдаман.

Дастлабки йилларда кафедрада «Ўзбек тили», «Рус тили», «Инглиз тили» ҳамда «Лотин тили» фанлари ўқитилган. Кафедрада турли йилларда ўқитувчилардан М.Н.Ҳикматова, С.С.Джумаева ҳамда Ғ.Э.Шомуродов, Д.А.Абдуллаева, В.Ф.Нуруллаев, Ш.З.Толипов, А.А.Хонов, Г.Н.Қурбонова, Р.Б.Ғафурова, З.С.Бахранова, К.Ё.Бахранова, С.С.Муродова, С.Даминов, Р.М.Салиховалар ишлаганлар. Кафедра аъзолари томонидан тиббиёт институти талабалари учун «Ўзбек тили» ҳамда «Рус тили» фанларидан 6 та ўқув қўлланма ва 20 дан ортиқ ўқув-услубий қўлланма, 15 тадан ортиқ илмий мақола ва тезислар тайёрланиб, чоп этилган, барча фан мавзулари бўйича мультимедиалар тайёрланган.

Ҳозир кафедрада «Ўзбек тили», «Рус тили», «Педагогика», «Психология», «Янги педагогик технологиялар», «Педагогик маҳорат», «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбоси», «Ҳамширалик ишида педагогика ва психология», «Дидактик воситалар йиғиндиси» каби фанлар ўқитилади. Кафедранинг умумий илмий йўналиши “Тиббиёт соҳаси атамаларининг ўзбекча-русча таснифи” бўлиб, ушбу мавзу бўйича кафедра аъзолари томонидан мунтазам равишда материаллар тўпланмоқда ва 50 дан ортиқ мақолалар ҳамда тезислар чоп этилган.

Айни маҳалда кафедрада филология фанлари номзоди, доцент М.Н.Ҳикматова, педагогика фанлари номзоди Г.Н.Қурбонова, филология фанлари номзоди Д.А.Абдуллаева,

катта ўқитувчи Б.Ғафурова, В.Ф.Нуруллаев, ўқитувчи
З.А.Бозоров фаолият кўрсатмоқда.



Д.М.МУСАЕВА,

**Фармакология ва клиник фармакология кафедраси
муdiri, тиббиёт фанлари номзоди, доцент:**

— Кафедра 1991 йил сентябр ойидан фаолият бошлаган. Унинг биринчи муdiri И.О.Бафоев бўлган. Кафедра даволаш ва стоматология факультетлари талабаларига "Фармакология" фанидан таълим берган.

1992-1993 йилларда кафедрага доцент Т.Каримов, 1994-1998 йилларда профессор Т.М.Махмудов бошчилик қилди. 1999 йилда А.Қ.Абдуллаев кафедра муdiri этиб тайинланди.

Ўша йилларда ўқув базасида "Клиник фармакология" бўлими ташкил қилиниб, у "Фармакология ва клиник фармакология кафедраси" деб номланди. 2000 йилдан бошлаб кафедрага мен раҳбарлик қилиб келмоқдаман.

2002 йил сентябр ойидан бошлаб кафедрада "Клиник фармакология" мутахассислиги бўйича клиник ординатура очилди ва ҳозирги кунгача 5 та клиник ординаторлар таълим олдилар, Д.Ҳ.Юлдашева, М.Абдуллаева, Г.С.Очиловалар мутахассис қилиб тайёрланди ва ассистент сифатида кафедрада фаолият кўрсатишмоқда. Шунингдек, ҳозирги кунда кафедрада катта ўқитувчи С.Ф.Ҳасанова; ассистентлар В.З.Жалолова, М.Р.Раҳматова, О.О.Солиев фаолият кўрсатишмоқда.

Кафедрада "Фармакология" ҳамда "Клиник фармакология" фанларидан 2-, 3-курс стоматология, 3-, 5- ва 7-

курс даволаш ҳамда тиббий педагогика ва 2-курс олий ҳамширалик иши факультетлари талабаларига таълим берилмоқда. 2003 йил сентябр ойидан бошлаб "Тиббий ва фармацевтик товаршунослик" ҳам кафедрада ўқитиладиган фанлар қаторига киритилди ва 2-курс олий ҳамширалик иши факультети талабаларига дарслар ўтказилмоқда.

Кафедрада илғор педагогик усуллардан ҳисобланган "Мия штурми", "Аквариум", "Инцидент", "Думалоқ стол", "Қор уюми", "Ромашка", "Қора қути", "Ари уяси"дан кенг фойдаланилмоқда, барча мавзулар бўйича мултимедиялардан фойдаланиб, дарслар олиб борилмоқда.

Ҳозиргача кафедрада 1 та номзодлик диссертацияси химоя қилинган, 1 та докторлик ва 4 та номзодлик диссертациялари устида илмий изланишлар олиб борилмоқда. Кафедра ходимлари томонидан 100дан ортиқ илмий мақолалар, 1та дарслик, 3та электрон дарслик, 3та ўқув қўлланма, 20га яқин ўқув-услубий қўлланмалар тайёрланди ва чоп этилди.



И.И. НАЗАРОВ,

Бионеорганик, биоорганик ва биологик кимё кафедраси мудири, кимё фанлари номзоди, доцент:

— 1991 йилда институтда "Биологик кимё", "Умумий ва биоорганик кимё" кафедралари очилган. Уларга биология фанлари доктори, профессор Н.А.Раҳматов, М.Р.Амонов раҳбарлик қилганлар. Мазкур кафедраларда доцентлар Ч.К.Хайруллаев, Ю.Жураев, ассистентлар Ҳ.Н. Мавлонов, С.Ш. Содикова, И.Б. Шукуров, Б.С.Мирзаметов, Ҳ.И. Амонова, С.О.Бозорова, С.Б.Жўраева, Р.Ф.Холиқова, лаборантлар Ф.Умунов, Р.Сафарова, Х.Нуриддинова ишлаганлар.

1993 йилдан иккала кафедра қўшилиб, “Биологик ва биоорганик кимё” кафедраси деб номланди ва кафедра мудирини лавозимига Н.А. Рахматов тайинланди. 1995 йилдан 2002 йилгача кафедранинг доцент М.Р.Амонов бошқарди. 2002 йилдан бошлаб эса кафедра мудирини этиб танлов асосида мен сайландим. 2005 йил март ойидан бошлаб кафедрага “Бионеорганик, биоорганик ва биологик кимё” номи берилди.

Ҳозирги кунда кафедрада тиббиёт фанлари доктори, профессор М.Р.Амонов, тиббиёт фанлари номзоди, доцент Ч.К.Хайруллаев, биология фанлари номзоди, доцент И.Б. Шукуров, тиббиёт фанлари номзодлари Ф.Б. Ибрагимова, О.У. Нурова, катта ўқитувчи С.Ш.Содиқова, ассистентлар Ҳ.И. Амонова, А.А. Мажидов фаолият кўрсатмоқдалар.

Кафедрада “Биологик кимё” фани бўйича 1 та ўқув қўлланма, 2 та услубий қўлланма, “Биоорганик кимё” фанидан дарслик, кафедра ходимлари томонидан 15 та мультимедия тайёрланди ва бевосита дарс жараёнида қўлланилмоқда. “Биоорганик кимё” фанидан 1 та электрон дарслик тайёрланди.

Кафедрада икки йўналиш бўйича илмий иш олиб борилмоқда. Булар: “Маҳаллий ва синтетик полимерлар асосида оҳорловчи ва қуюқлаштирувчи полимер композициялар яратиш”, “Орол региони шароитида айрим экстремал экологик факторларнинг одам саломатлигига таъсири”. Юқоридаги мавзулар бўйича 3 та номзодлик ва 1 та докторлик диссертацияси ҳимоя қилинди. Охирги уч йилда кафедра ходимлари томонидан олиб борилган изланишлар натижасида 42 та илмий мақола чоп этилди. Шулардан 12 таси чет элларда эълон қилинган.



У.Р.ТЎРАЕВ,

**Нормал ва патологик физиология кафедраси мудирини,
тиббийёт фанлари номзодини, доцентини:**

— Нормал физиология кафедрасини 1991 йилда ташкил этилган. 1992 йилгача уни А.Б.Болтаев, 1992-1994 йилларда Ш.Х.Ғуломовани. 1994-2004 йилларда тиббийёт фанлари номзодини Р.А.Усмонова бошқаришди.

Патологик физиология 2004 йилдан алоҳида кафедра сифатида ажралди. 1996 йил август ойида патологик физиология ва патологик анатомия кафедраларини яна бирлаштирилиб, «Патология кафедрасини» деб аталди. Патология кафедрасини 2005 йилгача тиббийёт фанлари номзодини, доцент Р.К.Болтаев бошқарди, шундан кейин кафедра мудирини этиб тиббийёт фанлари номзодини доцент Р.А.Усмонова тайинланди.

2004 йилдан Нормал физиология ва патологик физиология кафедраларини «Нормал ва патологик физиология» кафедрасига бирлаштирилди. 2005 йилда кафедра мудирини этиб, тиббийёт фанлари номзодини, доцент Б.Б.Хасанов тайинланди. 2006 йилдан бошлаб кафедранини мен бошқариб келмоқдаман.

Ҳозирги вақтда кафедрада тиббийёт фанлари номзодларини Б.О. Комилова, И.Ш.Содиқов, Ф.Р. Каримова ассистентлар Д.А. Очилова, М.А.Абдуллаева, А.З. Олимова, Ш.Т.Одилов фаолият кўрсатишмоқда.

Кафедрада дарс жараёнида янги педагогик технологиялардан, интерактив усуллардан масофадан ўқитиш усулларидан, мультимедиялардан кенг фойдаланилади.

Кафедра базасида 100 дан ортиқ лаборатория, амалий машғулотлар учун мулжалланган жиҳоз ва ускуналар мавжуд,

80 дан ортиқ мультимедиялар ёрдамида маърузалар , амалий машғулотлар ўқув режаси асосида олиб борилмоқда. Кафедрада олим ва педагоглари томонидан 111 та илмий-оммабоп мақолалар , 38 та ўқув-услубий қўлланмалар ва 2 та дарслик 2 та чоп этилган.

Кафедрада «Одам физиологиясининг ёшга қараб ўзгариш шарт –шароитлари ҳамда айрим муаммоли регионлардаги касаллик сабаблари» йўналишида илмий изланишлар олиб борилмоқда.



К.Р.ОЧИЛОВ,

Патологик анатомия ва суд тиббиёти кафедраси мудири, тиббиёт фанлари номзоди, доцент :

— Суд тиббиёти кафедраси 1991 йилда Бухоро вилоят суд-тиббий экспертиза бюроси базасида ташкил қилиниб, уни К.Р. Очилов кафедра мудири сифатида бошқарган. Кафедрада ўша йиллардан бошлаб вилоят суд тиббий экспертиза бюроси экспертлари Ю.К. Файзиев, Ю.М. Қурбонов, Н.З. Ганиева, Ҳ.М. Соҳибов, Б.Н. Файзиев ва М.Ф.Раҳмонов ўриндош ассистент сифатида фаолият кўрсатганлар.

«Патологик анатомия» кафедраси 1991 йилда ташкил қилинган ва 1996 йилгача фаолият кўрсатиб келган. 1996 йилда «Патологик анатомия» ва «Патологик физиология» кафедралари бирлашиб, «Патология» кафедраси сифатида иш кўрсатган. 2005 йилда «Патологик анатомия» ва «Патологик физиология» кафедралари бирлашиб, «Патологик анатомия ва суд тиббиёти» кафедраси деб юритила бошланди. Кафедра мудири этиб доцент К.Р. Очилов тайинланган. Кафедрада доцент Р.К. Болтабоев, тиббиёт фанлари номзодлари Р.М

Тўраев, Б.Т. Аллабердиев, ассистентлар Г.Б Жураева, Ж.Т. Қаюмов, М.Р. Турдиев, О.Т Расуловалар ишлаганлар.

Ҳозирги кунда кафедрада 7 та ассистент, 4 та клиник ординатор, 2 та лаборант фаолият кўрсатапти. 2005-2009 йилларда кафедра ходимлари 21 та услубий қўлланма, кўплаб илмий мақола ва тезислар, мавзу бўйича слайдлар, мультимедиклар, жадвал ва кўргазмали қуроллар тайёрлашди. Ўқув жараёнини мукамаллаштириш мақсадида кафедра аъзолари ҳар кунлик иш фаолиятлари давомида янги педагогик технологиялардан шу жумладан, маърузалар матнининг электрон вариантлари, мультимедияли кўргазмалар, компьютер тасвирларидан фойдаланмоқдалар.

Кафедра аъзолари фаолиятида илмий изланишлар алоҳида салоҳиятига эга бўлиб, заҳарли химикатлар ва оғир металл тузларининг ҳужайра мембранасига таъсирини ўрганиш борасида маълум ютуқларни қўлга киритишган. Ушбу ютуқлар натижасида республика ва МДҲ, чет эл тиббий журналлари саҳифаларида ҳозирги кунга қадар 110 дан ортиқ илмий мақолалар ва тезислар чоп этилган. Илмий изланишлар натижасида кафедрада 2009 1 та докторлик, 2 та номзодлик диссертациялари химоя қилинди.



М.Б.КАМАЛОВ,

Микробиология, иммунология, вирусология ва эпидемиология кафедраси мудири, биология фанлари доктори, профессор:

— Кафедра 1991 йилда ташкил топган булиб, Бухоро вилоят ДСЭНМ биносига жойлашган эди. 1993 йилда кафедра учун махсус икки каватли, барча талабларга жавоб берадиган бино курилиб, кафедра ўз фаолиятини шу ерда давом эттирди. 2004 йилдан бошлаб кафедра шаҳар ДСЭНМ биносига кўчирилди.

1991 йилда кафедра мудири этиб биология фанлари номзоди С.Х.Ҳамидова тайинланган. Шу йили 16 декабрдан кафедрани мен бошқариб келмоқдаман. Кафедрада микробиология, иммунология, вирусология ва эпидемиология фанлари ўқитилади. 1993 йилда институтда эпидемиология курси ташкил этилган бўлиб, тиббиёт фанлари номзоди М.Ж.Жумаев раҳбарлигида машғулотлар ўтилган. 1997 йилда эпидемиология курси микробиология кафедраси билан қўшилиб, «Микробиология, иммунология, вирусология ва эпидемиология» кафедрасига асос қўйилди

Кафедра назарий ва амалий машғулотларни самарали ўтказиш учун барча замонавий техник жиҳозлар билан таъмин этилган. Кафедрада микробиология фани бўйича даволаш ва тиббий педагогика факультетининг II-III курс талабалари IV-V семестрларда, стоматология II- курс талабалари III-IV семестрларда, ОХИ I-курс талабари I-II семестрда, эпидемиология фани бўйича даволаш факультети V курс талабалари, стоматология факультети IV курс талабари, I- курс ОХИ талабалари дарс ўтадилар. Кафедрада айти маҳалда доцентлар биология фанлари номзоди С.Х.Ҳамидова, тиббиёт фанлари номзоди М.Х.Мансурова, катта ўқитувчилар вирусология фанлари номзоди Г.У.Саъдуллаева, тиббиёт фанлари номзоди М.Ш.Атоева ва ассистент Н.К.Норова самарали фаолият кўрсатмоқдалар.

Кафедра профессор — ўқитувчилари ўқув жараёнини ташкил қилиш ва ўтказишда янги педогогик технологиялардан фойдалиниб келмоқдалар. Ҳозиргача 36 та маърузалар тақдимотлари тайёрланган, амалий машғулотлар учун 30 та мультимедиклар мавжуд, таълим жараёнида очик маърузалар ўтказилмоқда. Жумладан, масофадан ўқитиш марказида

кафедра доценти С.Х. Ҳамидова томонидан «Ретровируслар оиласи. ОИВ/ОИТС» мавзусида маъруза ўтказилди.



Г.Ж. ЖАРИЛКАСИНОВА,

«УАВ тайёрлаш» кафедраси мудир, тиббиёт фанлари номзоди, доцент:

—Бухоро давлат тиббиёт институти «Умумий амалиёт врачлари тайёрлаш» кафедраси 1994 йил 1 сентябрь куни ташкил этилган. Бу даврда кафедра “6- курс терапияси” деб номланган. Унинг раҳбари этиб 1- сон Бухоро шаҳар поликлиникасининг бош ҳақими, олий тоифали врач Ботирова Ҳабиба Қаҳҳоровна тайинланган, 6 ўриндош ассистент ва бир асосий ассистент фаолият кўрсатган. Булар И.Р.Муҳаммедов, Х.Х.Қўлдошева, М.М. Юсупова бўлганлар.1995 йил январь ойидан курсга тиббиёт фанлари доктори, профессор Шарипова Нодира Жўраевна раҳбар қилиб тайинланди. 1997 йил сентябрдан бошлаб кафедра “Умумий амалиёт врачлари тайёрлаш” деб номланиб, умумий амалиёт врачларини тайёрлаш бошланди. Кадрлар тайёрлаш дипломгача ва дипломдан кейинги уқитиш жараёни асосида олиб борилди ва олиб борилмоқда.Кафедрада бугунги кундаги етакчи ўқитувчилар М.Б. Байханова, Л.Б. Саидова, А.А. Асроров, Х.И. Жўраева, М.Б. Жабборова меҳнат қилишмоқда.

Шу йилнинг март ойидан бошлаб кафедра базалар сони ошди, асосий ассистентлар сони 6 кишига кўпайди. Базаларга кўшимча қилиб 2-сонли вилоят клиник касалхонаси, 4-сон бирлашган шаҳар поликлиникаси, вилоят кардиология диспансери киритилди. Шу даврда кафедрада 40 ассистент талабалар билан ички касалликлар, эндокринология, гематология, тери-таносил касалликлари, юқумли касалликлар

фан дастурлари бўйича дарс ўтган, шундан 21 киши асосий, 13 киши ўриндош сифатида ишлаб келаяпти. Кафедрада 4 фан номзоди, 3 олий тоифали ҳақим, 10 биринчи тоифали ҳақим, икки докторант, икки аспирант ва бир клиник ординатор илмий изланиш олиб бораяпти.

Кафедранинг 18 та клиник базаси мавжуд эди. Булар: шаҳар касалхонаси, вилоят касалхонаси, болалар касалхонаси ва юқумли касалликлар шифохонаси, сил ва тери-таносил, эндокринология диспансерлари, № 1,4 поликлиникалар, Хонобод, Тор-Тор маҳалла қишлоқ врачлик пунктлари, шаҳар тез ёрдам масканлари филиаллари. Ҳозирги кунда кафедрада 20 ассистент фаолият олиб бормоқда.

1998 йил 10 декабрдан бошлаб кафедрада Жаҳон банки ёрдамида таъмирлаш ишлари бошланди ва шу натижада ўтган 10 йил давомида 3 та ўқув ва даволаш марказлари ташкил этилди. Кафедра замонавий ўқув ва даволаш асбоб - ускуналари билан таъминланган. Кафедра тасарруфида 4-сон бирлашган шаҳар поликлиникасининг еттита даволаш участкаси мавжуд бўлиб, уларда кафедра ҳақимларидан 5 киши ва амалиёт ҳақимларидан 2 киши фаолият кўрсатаяпти. Бугунги кунга келиб улар 11980 кишига малакали умумамалиёт врачлик принципи асосида тиббиёт ёрдамини кўрсатмоқдалар. 2-ўқув даволаш маркази жойлашган болалар поликлиникаси 11-сон шаҳар умумлаштирилган поликлиникасига айлантирилди ва 2-УАВ даволаш маркази хизмат кўрсатадиган аҳоли сони 12596 кишига етди.



К.Ж.БОЛТАЕВ,

Факультет ва госпитал терапия кафедраси мудири, тиббиёт фанлари номзоди, доцент:

— Госпитал терапия кафедраси 1993 йилда Бухоро вилоят клиник касалхонасининг терапия ва гастроэнтерология бўлимлари базасида ташкил этилди. Кафедра мудири этиб тиббиёт фанлари номзоди А.М. Кайлаков тайинланди. Кафедранинг биринчи ассистентлари сифатида Ш.С. Исомитдинова, Э.М. Халимова, М.М. Рахматова каби тажрибали шифокорлар фаолият кўрсатдилар. 1995 йилда кафедра мудири этиб тиббиёт фанлари доктори, профессор З.Ж. Жалолов тайинланди. 1998 йилда кафедрага «Касб касалликлари», «Халқ табобати», «Эндокринология», «Физиотерапия, ХДТ» ва «Гематология» курслари ҳамда «Факультет терапия» кафедраси қўшилиб, «Ички касалликлар кафедраси» деб номланди. 1999 йил сентябрь ойида кафедра таркибидан «Касб касалликлари», «Халқ табобати», «Физиотерапия» курслари чиқарилиб, кафедра «Факультет ва госпитал терапия» кафедраси деб номланди. 2001 йилда кафедра мудири мен тайинланди.

Кафедранинг ўқув ишлари вилоят клиник касалхонасининг гастроэнтерология, ревматология, гематология ва лаборатория бўлимлари ҳамда вилоят эндокринология диспансери базасида жойлашган бўлимларда олиб борилмоқда.

Ҳозирги кунда кафедрада тиббиёт фанлар номзоди доцентлар М.Ш.Носирова, З.Н.Ҳамидова, У.Н. Шеров, катта ўқитувчи Х.Х.Мухаммедова, ассистентлар Ж.Ж.Жалилова, Н.М.Умурова, Н.С.Шаджанова, М.Н.Исматова, Н.Ш.Аҳмедова, Х.Н.Хасанов, Ў.Ҳ. Мавлонов фаолият кўрсатмоқдалар. Кафедра томонидан ҳозирги кунгача 200 дан ортиқ клиник ординаторлар тайёрлаб берилган.

Кафедра ходимлари томонидан 17 та ўқув- услубий қўлланма, 63 та мультимедия ўзбек ва рус тилларида тайёрланиб, фанлар бўйича машғулотларда фойдаланилади. 2002 йилдан бошлаб кафедрада “3 поғонали интервью”, “заиф ҳалқа”, “галерея бўйича турне”, “қор уюми” каби янги

педагогик технологиялар, маъруза ва амалий машғулотларда қўлланилади.

Кафедра тарихи давомида 4 та номзодлик диссертацияси ҳимоя қилинган, бир докторлик иши, 4 нафар номзодлик илмий иши устида изланилмоқда.

Кафедра аъзоларининг саъйи ҳаракати билан 2003 йилда эндокринология йўналиши бўйича “Бўқоқ касалликлари муаммолари”, 2009 йилда гастроэнтерология муаммоларига бағишланган республика миқёсидаги илмий амалий анжуман ўтказилди. 2009-2010 йилларга мўлжалланган “Қари ва кекса ёшдаги полидефицитли ҳолатни даволаш ва профилактикасининг тиббий технологияларини яратиш” мавзусидаги илмий амалий тадқиқот иши танловда ғолиб топилди.



Б.Р.БОБОЖОНОВ

**“Умумий хирургия ва хирургик касаликлар”
кафедраси мудири, тиббиёт фанлари доктори, профессор:**

— Кафедра 1991 йили Бухоро вилоят I-клиник касалхонасининг жарроҳлик бўлими ҳузурида ташкил қилинган. Кафедра мудири этиб тиббиёт фанлари доктори профессор Б.Р.Бобожонов тайинланган.

Кафедрада 1993 йилгача тиббиёт фанлари номзодлари И.А.Мирхўжаев, С.О. Комилов, шунингдек, А.Ж.Бобопиров,

Ш.Т.Ўроқов, А.Р.Маликов, Ш.Ш.Раҳматов, С.Р. Қутлиев, А.М.Сафаров фаолият кўрсатганлар.

1993-1995 йиларда кафедра Бухоро шаҳар клиник касалхонасининг жарроҳлик бўлимида иш олиб борган, 1995 йил август ойининг охирларида Бухоро тўқимачилик комбинати хузуридаги касалхонага кўчирилган. Ҳозирги кунда мазкур кафедрада тиббиёт фанлари номзоди О.М.Қурбонов, ассистент А.Р.Маликов, катта ассистент А.Э.Рўзиев, М.Шаропова фаолият кўрсатмоқдалар.

Кафедра ходимлари айна маҳалда “Ўпка касалликларини этиопатогенетик даволаш усуллари” мавзуси бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб бормоқдалар.

Кафедрада “Умумий хирургия ва хирургик касалликлар”ни ўқитиш жараёнида дарслар янги ўқув технологиялари ҳамда интерактив усулларида кенг фойдаланилган ҳолда ўтилади.

Кафедра профессор – ўқитувчилари томонидан 4 та монография, 30 га яқин услубий қўлланма, 50 дан ортиқ илмий макола, 7 та тезис чоп этирилган ва 33 та мультимедия яратилган.

Кафедрада бир неча клиник ординаторлар ва аспирантлар бўлиб, улар илмий изланишлар олиб бормоқдалар.



А.Р.ОБЛОҚУЛОВ,

Юқумли касалликлар, фтизиатрия ва тери-таносил касалликлари кафедраси мудири, тиббиёт фанлари доктори, профессор:

—Юқумли касалликлар кафедраси 1993 йил Бухоро вилоят болалар юқумли касалликлар шифохонаси хузурида ташкил этилган. 2005 йил 1 апрелдан бошлаб кафедрамиз фтизиатрия ва тери-таносил касалликларини ўз ичига олиб, “Юқумли касалликлар, фтизиатрия ва тери-таносил касалликлари” кафедраси деб юритилмоқда.

Кафедрада тиббиёт фанлари номзодлари (?) Б.Р.Муаззамов, О.Б.Раҳматов, С.Ғ.Худойдодова, А.А. Тўхтаев, катта ўқитувчилар М.Р. Мирзаева, Г.А. Арашова, М.Қ. Тоиров, М.Ф. Жумаев, ассистентлар З.Р.Камолов, И.Б.Шукуров, М.Ф. Яхшиева, Ж.О. Раҳимов фаолият кўрсатиб келишмоқда.

Кафедранинг ўқув ишлари Бухоро вилоят болалар юқумли касалликлар шифохонаси, вилоят тери-таносил касалликлари ҳамда сил касалликлари диспансерларида жойлашган кафедра бўлимларида олиб борилмоқда.

Кафедра ходимлари томонидан 2 та ўқув дарслиги, 2 та монография 2 та ўқув қўлланмаси 40 дан ортиқ услубий қўлланмалари чоп этилган. Ўқув ишлари янги педагогик технологиялар асосида олиб борилади. Бунинг учун 250 дан ортиқ мультимедиялар, 30 дан ортиқ видеолархалар, 40 дан ортиқ электрон дарсликлар, 100 дан ортиқ интерфаол усуллар яратилган. 20 дан ортиқ рационализаторлик таклифлари тайёрланган, 250 дан ортиқ илмий мақолалар республикамиз ва хориж давлатларининг журнал ва тўпламларида чоп этирилган.

Ҳозирги кунгача кафедрада 1та докторлик, 7та номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинган, 6 нафар фан номзодлари докторлик ишлари, 5 нафар ассистентлар номзодлик илмий ишлари устида фаолият кўрсатишмоқда. Кафедра томонидан ҳозирги кунгача 150 дан ортиқ клиник ординаторлар тайёрлаб берилган.

Кафедранинг асосий илмий фаолияти Ўзбекистон Республикаси ва Бухоро вилоятида вирусли гепатитлар, ичак инфекциялари, паразитар касалликлар вителиго ва лейшманиоз, сил касалликларида ўпка-юрак етишмовчилиги долзарб муаммоларини ҳал қилишга қаратилган. Бу ишларни амалга ошириш мақсадида республика миқёсида ва хориж да ўтказилаётган съездлар, амалий конференциялар, семинарларда ўзларининг мақолалари билан фаол иштирок этиб келишмоқда.



М.Б.ЎРИНОВ,

**Неврология ва тиббиёт генетикаси кафедраси мудири,
тиббиёт фанлари номзоди, доцент :**

—“Неврология, нейрохирургия ва тиббиёт генетикаси” кафедраси 1993 йил ташкил этилиб, Вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказининг неврология бўлимида жойлашган. 1993 йилдан 1999 йилга қадар кафедра мудири лавозимида тиббиёт фанлари номзоди, нейрохирург Р.А.Якубов фаолият кўрсатган, кафедра таркибида тиббиёт фанлари номзодлари, доцент М.А.Ортиқова, , Б.П. Жўраев, Л.А.Бекмуродова, М.Ж Санаева, ассистентлар Х.А. Сувонов, Н.А. Мўминов, В.Б. Саломов , Ш.Ч.Ахмедов, Э.И. Болтаев, Г.А. Бобомуродова меҳнат қилганлар.

2005 йил 22 февралдан кафедрамиз “Неврология ва тиббиёт генетикаси” деб номланди. Ҳозирги вақтда кафедра таркибида доцентлар Д.Т. Ходжаева, тиббиёт фанлари номзоди С.С. Пўлатов, ассистентлар Ш.Б. Ахророва, С.Н. Раҳматова, Ш.С. Рўзиев, лаборант Д.А.Расулова фаолият кўрсатмоқдалар.

Кафедра ходимлари томонидан 2 та ўқув қўлланмаси ва 20 дан ортиқ услубий қўлланмалар чоп этилган, ўқув ишлари

янги педагогик технологиялар асосида олиб борилади. Бунинг учун 80 дан ортиқ мультимедиялар, 10 дан кўпроқ видеолавҳалар, 20 дан зиёд электрон дарсликлар, 30 дан ортиқ интерфаол усуллар яратилган. Кафедра томонидан ҳозирги кунгача 100 дан ортиқ клиник ординаторлар тайёрлаб берилган.

Ҳозирги кунгача кафедрада 6 нафар номзодлик диссертацияси ҳимоя қилинган, 3та докторлик, 3та номзодлик диссертацияси устида ишланмоқда. 100 дан ортиқ илмий мақолалар республикамиз ва хориж давлатларининг журнал ва тўпламларида чоп эттирилган. Кафедранинг асосий илмий йўналиши периферик нерв системаси касалликлари ва бош мия қон-томир касалликлари долзарб муаммоларини ҳал қилишга қаратилган.

М.Б. Ўринов “Мақтаб ёшидаги болаларда учрайдиган темир танқислиги анамиясининг руҳий сферага таъсири” мавзусидаги 2006-2008 йил давлат гранти ғолиби бўлган.



М.Н.НЕГМАТУЛЛАЕВА,

**1-Акушерлик ва гинекология кафедраси
муdiri, тиббиёт фанлари доктори, профессор:**

— Кафедра 1992 йил 13 августда ташкил этилган ва Бухоро шаҳар 2- туғруқхонаси ҳузурида жойлашган. 1992-2001 йилгача кафедрада Р.А.Пўлатова, Ш.С.Исамитдинов, М.Р.Қурбонов, М.А.Самадова, Х.Зикриллаева, М.Т.Ҳатамова ва бошқалар фаолият кўрсатганлар.

Ҳозирги кунда кафедра таркибида тиббиёт фанлари номзодлари Г.А.Ихтиярова, А.А. Ибрагимов, Л.В.Саркисова,

катта ўқитувчи Н.Н.Каримова, ассистент, тиббиёт фанлари номзоди Д.И.Тўқсанова фаолият кўрсатмоқдалар.Кафедра аъзолари кунлик иш фаолиятлари давомида янги педагогик технологиялардан кенг фойдаланмоқдалар.

Намунавий дастур режаси асосида барча мавзулар бўйича 50 дан ортиқ мультимедия тайёрланган бўлиб, барча маърузалар замонавий технологияларни қўллаб ўқилади.

10 йил давомида кафедрада 8 та номзодлик диссертацияси ва 20 та докторлик диссертацияси ҳимоя қилинган. Фақат 2007 йилда 5 та номзодлик илмий иши ҳимоя қилинди. Айни пайтда кафедрада 16 нафар клиник ординатор таълим олмоқда.

Кафедра фаолиятида илмий изланишлар алоҳида аҳамиятга эга. Кафедра ходимлари республика ва МДХ миқёсида ўтказиладиган турли нуфузли анжуманларда ўз илмий маърузалари билан фаол иштирок этиб келмоқдалар, ҳозиргача 60 дан ортиқ илмий мақолалар ва тезислар республика ва МДХ тиббий журналлари саҳифаларида чоп этилган. Кафедра ходимлари Бухоро шаҳри ва туманлари соғлиқни сақлаш муассасаларига акушерлик ва гинекологик йўналишда амалий ёрдам кўрсатиб келмоқдалар.

И.И.АМОНОВ,



2-Акушерлик ва гинекология кафедраси мудири, тиббиёт фанлари доктори, профессор:

— 6-, 7- курс акушерлик ва гинекология кафедраси 1994 йил ташкил этилиб, Вилоят Перинатал марказининг 3-қаватида жойлашган. Кафедра мудири лавозимида тиббиёт фанлари номзодларидан 1994-1995 йилларда- С.Ф.Файзиев, 1996-1997 йилларда - А.А. Ибрагимов, 1997-2002 йилларда-

А.М.Рашидова, 2002-2003 йилларда- Г.Т. Рустамова, 2003-2006 йилларда - М.Т.Ҳотамова фаолият кўрсатганлар, 2006 йилда шу кунга қадар кафедрани мен бошқармоқдаман.

Кафедрада илгари ассистентлардан А.Г. Бозоров,Н.И. Ҳикматова, Б.Б.Назаров, У.Ж.Собиров, Ю.Ё.Камолова, М.М. Фармонова,И.Ш. Фаттахова, М.Т.Тешаев, У.Р.Тўраев фаолият кўрсатганлар. Эндиликда кафедрада 1 та фан доктори, 1 та доцент, 1 та катта ассистент, 2 та ассистент фаолият кўрсатишмоқда.Кафедра аъзоларидан тиббиёт фанлари номзоди, доцент М.Т. Ҳотамова, катта ўқитувчи М.Т. Ҳамдамова, ассистентлар Н.Г. Ашурова, М.М. Раҳматуллаева самарали меҳнат қилмоқдалар. Кафедрада 1 та аспирант, 2 та изланувчи ва 17 та клиник ординаторлар шуғулланишади.

БухТи клиникаси гинекология бўлими, 1,2,4,8-шаҳар аёллар маслаҳатхоналари кафедра базалари ҳисобланади. Ўқув услубий ишлари замонавий техника, муляж ва фантомлар, макропрепаратлар ёрдамида олиб борилади. Ҳар бир мавзу бўйича мультимедиалар, видеолархалар мавжуд. Кафедра ходимлари томонидан 1 та ўқув ва 26 тадан ортиқ услубий қўлланмалар чоп этилган, 7 тадан ортиқ илмий мақолалар республика ва хорижий давлатларнинг журнал ва тўпламларида чоп этилган.

Кафедра ходимлари базаларида даволаш ишларини олиб борадилар, конференция ва семинарларда, акушерлик ва гинекология доирасида тегишли тадбирларда иштирок этишади, вилоятда содир бўладиган оналар ва перинатал ўлим ҳодисалари таҳлилларини олиб борадилар, жойлардаги шифохоналарга ўқув-услубий ва амалий ёрдам кўрсатиб келишяпти. Кафедра томонидан ҳозирги кунгача 60 тадан ортиқ клиник ординаторлар тайёрланиб берилган.

Ҳозирги кунгача кафедрада 6та номзодлик ва 1та докторлик диссертациялари ҳимоя қилинган, 2 нафар ассистент номзодлик иши устида изланмоқда. Кафедранинг асосий илмий фаолияти ҳомиладор аёлларда преэклампсия ва аёлларда бепуштлик муаммоларини ҳал қилишга қаратилган.



Ш.Т.ЎРОҚОВ,

6-, 7- курс хирургия кафедраси мудир, тиббиёт фанлари доктори, профессор:

— 6-, 7- курс хирургия кафедраси 1994 йилда 6-курс хирургия кафедраси негизда ташкил қилинган. Кафедра раҳбари қилиб тиббиёт фанлари номзоди Т.Р.Муродов тайинланган, унда тиббиёт фанлари номзодлари Ж.К.Раҳматов, Э.Бозоров ассистент сифатида фаолият кўрсатишган. 1997 йил августида 6-7 курс хирургияси кафедра мудир эдиб тиббиёт фанлари доктори, профессор Р.Ю.Омиров тайинланган. Унда тиббиёт фанлари номзодлари Ш.Т.Ўроқов, С.С.Саидов, М.М.Абдурахмонов ассистент, Ў.Ў.Абидов аспирант сифатида фаолият кўрсатганлар. Профессор Р.Ю.Омиров ўз фаолияти даврида шогирдларига намунали хирургик техника, ажойиб хулқ-атвор, муомала маданияти ва оддийликни қолдирди. Унинг ҳар бир ўқиган маърузаси, беморларни кўриши ҳамда операция техникаси шогирдлар ёдида бир умрга қолди. Р.Ю.Омиров тўғрисида клиникада қорин бўшлиғи органларида ва қалқонсимон без касалликларида операция қилиш техникаси етарли даражада мукаммаллашди. У кишининг раҳбарлиги остида 42 та номзодлик ва 4 та докторлик диссертацияси ҳимоя қилинган. Профессор Р.Ю.Омиров 6-7 курс хирургия кафедрасини 2005 йилгача бошқарди. Шу давр ичида кафедрада тажрибали педагоглар, юқори малакали врачлар ва олимлар етишиб чиқди. Бу эса Бухоро тиббиёт институти тарихида алоҳида ўринни эгаллади.

2005 йил август ойидан бошлаб кафедра мудир эдиб мен тайинландим. 2007 йил 6-7 курс хирургияси кафедраси

таркибига болалар хирургияси курси ҳам қўшилди. Ҳозирги вақтда кафедра таркибида профессорлар, тиббиёт фанлари докторлари К.М.Миржонов, М.М.Абдурахмонов, тиббиёт фанлари номзодлари Ф.С.Раупов, Ў.Ў.Абидов, Ш.М.Абдурахмонов, Т.Р.Муродов, С.С.Саидов ва А.Т.Чўлиев фаолият кўрсатишмоқда. Кафедра фаолияти даврида 1 та докторлик, 4 та номзодлик диссертацияси ҳимоя қилинди.

Кафедранинг илмий йўналиши қуйидагилардан иборат:

1. Қалқонсимон без касалликларида жарроҳлик тактикаси.

2. Қорин бўшлиғи органларининг хирургик касалликлари, жигар диффуз касалликлари билан келган ҳолатларда диагноз қўйиш ва даволаш тактикаси.

3. Қорин бўшлиғи органларида ўтказилган операциялардан кейин энтерал озиқлантириш

Кафедрада ўқув жараёни замонавий ўқув технологияларидан шу жумладан интерактив услублардан, ўқув мультимедияларидан ва интернет тизимида кенг қўлланилган ҳолда олиб борилади. Кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан 8 та маърузага оид мультимедиялар, 11 та ўқув-услубий қўлланма тайёрланди.



Ш.И. Наврузова,

Болалар касалликлари ва неонатология кафедраси мудири, тиббиёт фанлари доктори, профессор:

—Болалар касалликлари ва неонатология кафедраси 1992 йилда ташкил этилди. Биринчи кафедра мудири этиб тиббиёт фанлари доктори, профессор И. Т.Саломов тайинланди. Ўшанда

кафедра таркибида ўн киши фаолият кўрсатган. Булар: ассистентлардан тиббиёт фанлари номзодлари Т.Т Тўраев, З.Б. Тухтаев, шунингдек, С.В.Тимчук, М.М.Мамедов, А.Ж. Қурбонов, Х.А.Холназаров, катта лаборант Ш.Т.Мухитдинов, клиник ординаторлар В.К.Хусаинова, М.Н. Қиличева, Д.Фахритдинова, Н.Зайнитдинова, Л.Х.Шарипова, Н.А.Алаева, Н.А.Шамсутдинова эдилар. Кафедранинг биринчи аспиранти ва биринчи фан номзоди Ш.И.Наврүзова ҳисобланади.

2002 йилдан бошлаб кафедра мудири этиб мен тайинландим.

Кафедра “Ўзбекистон иқлими шароитида оналар ва болалар соғлигини сақлаш, оила муаммолари, яшаш шароитларини яхшилаш чора-тадбирларининг мажмуасини ишлаб чиқиш” мавзусида илмий изланишлар олиб боради. 17 йил давомида 7 та номзодлик диссертацияси, 1 та докторлик диссертацияси ёқланди, 200 дан ортиқ илмий мақолалар, 60 га яқин ўқув-услубий қўлланмалар, “Болалар касалликлари пропедевтикаси” ва “Болаларда бронхиал астманинг регионал хусусиятлари” номли дарслик ва монография чоп этилди, 70 га яқин таклиф ва янгиликлар амалиётга киритилди.

Кафедрада янги педагогик жараёнлардан, интерактив-интеграцион усуллардан фойдаланилмоқда, АҚШнинг НОРЕ, Каунтерпарт Консорциум фондлари тавсиялари асосида болалар касалликларини интегрирлашган усулда олиб бориш стратегияси қўлланилмоқда.

Кафедрада ўқув – услубий ишлари буйича талабаларга дарс бериш жараёнида интерфаол усуллардан кенг фойдаланилмоқда. Шу мақсадда 30 дан ортиқ мультимедия, 15 дан ортиқ ўқув-услубий қўлланмалар тайёрланиб, ўқув жараёнига 6 та янгилик киритилган.

2000-2001 ўқув йилида кафедра таркибига “Неонатология” курси киритилди.

2008 йилда мен «Иммуно-генетические особенности аллергии у детей, проживающих в условиях жаркого климата» мавзусида докторлик, ассистент Амонов Р.А «Клинико –

параклиническая характеристика железодефицитных состояний у школьников пубертатного возраста, проживающих в условиях сельской местности Бухарской области» мавзусида кандидатлик диссертациясини ёқладик.

Кафедра Самарқанд Давлат тиббиёт институти, Тошкент ТА, Тошкент Педиатрия медицина институти, ЎзР ФА Иммунология институти билан хамкорликда иш олиб бормокда.



В. Р.АКРАМОВ,

Травматология ортопедия, ҳарбий дала жароҳлиги ва нейрохирургия кафедраси мудир, тиббиёт фанлари номзоди, доцент:

—Кафедрамиз 1993 йил ташкил этилиб, унинг мудирлигига тиббиёт фанлари доктори проф. И. Ш. Акрамов тайинланган. 2005 йилда кафедрамиз таркибига нейрохирургия фани қўшилди.

Эндиликда кафедра таркибида тиббиёт фанлари номзодлари Ш. Ч. Аҳмедов, К.К.Саидов, ассистентлар Ж.Н. Ширинов, А.А. Облоқулов ишлаб келишмоқда. Кафедра Бухоро вилоят клиник касалхонасида жойлашган бўлиб, кафедра ходимлари травматология-ортопедия ва нейрохирургия бўлимларида даволаш ишлари билан машғул.

Кафедрада талабалар учун травматология-ортопедия, ҳарбий дала жароҳлиги, нейрохирургия фанларидан 50 дан ортиқ мультимедиялар тайёрланди. Кафедра Франция экспортчилари клуби билан халқаро алоқаларни йўлга қўйган. Бнинг натижасида сон-чанок бўғими дегенератив

касалликларида янги оператив даволаш усуллари қўлланиб келинмоқда.

Барча кафедра ходимлари илмий иш билан шуғулланишади. Кафедранинг илмий мавзуси «Бухоро регионида таянч ҳаракат системасига экологиянинг таъсирини ўрганиш»; «Бел умуртқалари дегенератив-дистрофик касалликлари диагностикаси ва даволаш» ҳисобланади. Кафедра нейрохирурглари Новосибирск илмий-текшириш институти билан ҳамкорликда умуртқа поғонаси касалликларини даволашда ҳамкорлик қилишмоқда.

Кафедра ходимлари томонидан 2005 йилда «Хирургическое лечение опухолей спинного мозга» мавзусида монография, 2009 йилда «Травматология-ортопедия» ўқув қўлланмаси чоп қилинди.

Бугунги кунга келиб кафедра ходимлари томонидан 100 дан ортиқ илмий мақола ва тезислар турли журнал ва тўпламларда чоп этилган. 1 та ихтиро ва 13 та рационаллик таклифларига патент олинган.



Х.Н.АБДУЛЛАЕВ,

Онкология ва нур ташхиси кафедраси мудири, Тиббиёт фанлари номзоди, доцент:

— Онкология курси 1993 йил февралда очилиб, унинг мудирлигига тиббиёт фанлари номзоди, доцент Х.Н.Абдуллаев тайинланган. 1996 йил сентябрь ойигача онкология курси госпитал жарроҳлик кафедраси таркибида бўлган. 1996 йилдан бошлаб онкология курси рентген- радиология курси билан қўшилиб, кафедра мудири вазифасига тиббиёт фанлари

номзоди, доцент Д.С.Ярмухаммедова тайинланган. 1999 йил сентябридан бошлаб кафедра онкология ва рентген — радиология кафедраси, деб номланган ва кафедра муdiri вазифасига яна Х.Н.Абдуллаев тайинланган.

Онкология ва нур ташхиси кафедраси Вилоят онкология диспансери хузурида жойлашган бўлиб, талабаларнинг амалий ва назарий билим олишларига қулай шароитлар яратилган. Кафедра замонавий кўргазма қуроллари билан жиҳозланган. Ҳар йили клиник ординаторлардан юқори малакали, беморларга юқори савияда онкологик ва рентгенологик хизмат кўрсата оладиган мутахассислар тайёрланапти. Кафедра ходимлари вилоят, республика ва хорижий мамлакатларда ўтказилаётган илмий анжуманларда фаол қатнашиб, маърузалар билан чиқадилар. Кафедра ва диспансер ходимлари биргаликда даволаш-профилактика тадбирларида, беморлар ва вилоят аҳолисига онкологик ёрдам кўрсатишни ташкил қилишда фаол қатнашадилар.

Кафедра ходимлари томонидан 17 та мултимедия, 4 та видеофильм, 19 та услубий қўлланма, шу жумладан «Онкологияда ҳамширалик иши», «Нур ташхиси ва нур терапияси» фанидан ўқув қўлланмалари тайёрланди.

Кафедрада “ротация бўйича фикрни баён қилиш”, “инцидент”, “мия штурми”, “галерея бўйича турне” интерфаол усуллари кенг қўлланилади, масофадан туриб машғулотларни ўтказиш режалаштирилган, сут беги саратони, тиш- жағ касалликлари нур ташхиси мавзуси бўйича маърузалар ўтказилган. Кафедра ходимлари томонидан чоп этилган тезис ва журнал мақолалари 52 та, шу жумладан хорижда эълон этилган журнал мақолалари 6 та.

Кафедрада 3 та илмий иш қилинган. 1982 йилда мен Москвадаги Онкология илмий марказида «Клинико – иммуно- гематологические показатели у больных раком молочной железы» мавзусида, ассистент А.К. Галдиев 2000 йилда Ўзбекистон Республикаси Онкология илмий марказида «Сравнительная оценка методов лечения больных первичными саркомаами мягких тканей конечностей» мавзусида, ассистент У.С. Мамедов «Оптимизация методов лечения рака кожи головы и шеи» мавзусида номзодлик диссертациясини ёқладик. Айни вақтда ассистент Ф.С. Салихов «Бухоро вилоятида лимфома касаллигини олиб келадиган этиологик омиллар тахлили» мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилишга тайёрланмоқда.



З.М.ОРЗИЕВ,

Ички касалликлар пропедивтикаси ва олий ҳамширалик иши кафедраси мудир, тиббиёт фанлари доктори, профессор:

— Кафедра 1991 йилда ташкил топиб, унинг дастлабки мудир доцент И.У.Узоқов бўлган. Кафедра вилоят клиник касалхонасининг ревматология бўлимида иш фаолиятини бошлади. 1992 йилда кафедра шаҳар касалхонасининг терапия бўлимига кўчирилди. 1994 йилда кафедра мудирлигига тиббиёт фанлари номзоди О.Ю. Абдуллаева тайинланди ва ўша йили кафедра Бухоро шаҳар тиббий-санитария қисмига кўчирилди. 1997 йилдан кафедра Бухоро вилоят клиник касалхонасининг пульмонология-аллергология бўлимларида фаолият кўрсата бошлади. Шу йили кафедра мудирлигига мен тайинландим.

Айни пайтда кафедрада 6 ассистент, 5 клиник ординатор, 1 аспирант ва 1 лаборант фаолият кўрсатиб келмоқда. 1997 йилдан шу вақтга қадар кафедра ходимлари 13 та услубий қўлланма, кўплаб илмий мақола ва тезислар, мавзу бўйича слайдлар, жадвал ва кўргазмалар қуроллар тайёрлашди. Олий ҳамширалик иши факультети талабаларига мўлжалланган “Ҳамширалик ишида объектив текширишларнинг аҳамияти” номли ўқув қўлланма, даволаш, тиббий педагогика ва стоматология факультети талабалари учун “Ички касалликлар пропедивтикасида беморларни бевосита текшириш усуллари ва аҳамияти” номли ўқув қўлланма тайёрланди. Бундан ташқари “Ички касалликларда беморларни бевосита текширишнинг аҳамияти” номли электрон дарслик яратилди.

Ўқув жараёнини мукамаллаштириш мақсадида кафедра аъзолари кунлик иш фаолиятлари давомида янги педагогик

технологиялардан кенгфойдаланишмоқда. Маърузалар матнининг электрон вариантлари, мультимедияли кўрғазмалар, компьютер тасвирлари шулар жумласидандир. Кафедра фаолиятида илмий изланишлар алоҳида аҳамиятга эга. Кафедра ходимлари республика ва МДХ миқёсида ўтказиладиган турли нуфузли анжуманларда ўз илмий маърузалари билан фаол иштирок этиб келаяптилар. Ҳудудий долзарблиги инобатга олинган ҳолда, кафедра аъзолари асосан бронх-ўпка ҳамда ошқозон-ичак тизими хасталиklarини ўрганиш борасида маълум ютуқларни қўлга киритишган. Ушбу ютуқлар натижасида республика ва МДХ тиббий журналлари саҳифаларида ҳозиргача 100 дан ортиқ илмий мақолалар ва тезислар чоп этилган. Шунингдек, кафедра аъзолари 5 дан ортиқ патент ва муаллифлик гувоҳномаларига сазовор бўлишган. Кейинги йилларда 1 докторлик илмий иши ёқланди, 2 та номзодлик диссертацияси ҳимояга тайёрланган.

Кафедра ходимлари даволаш ишларида ҳам фаол иштирок этиб, гастроэнтерология ва пульмонология мутахассисликлари бўйича нафақат Бухоро, балки қўшни Навоий, Самарқанд, Қашқадарё вилоятлари беморларига юқори малакали тиббий хизмат кўрсатиб келмоқдалар.



Ю.Х ЮНУСОВ,

Терапевтик стоматология кафедраси мудир, тиббиёт фанлари номзоди, доцент:

—Стоматология кафедраси 1993 йилда ташкил қилинган. Унинг мудир этиб мен тайинландим. Ассистентлик лавозимига Н.Б Нуров, М.М Мирзаев, О.Н Назаров, Ф.Э Раҳимов, Ч.И Хўжаназаров, лаборантлик вазифасига Т Калонов ва Л Аминовалар фаолият кўрсатганлар. Талабалар сони

кўпайганлиги муносабати билан 1994 йили стоматология кафедрасидан терапевтик, ортопедик ва жарроҳлик кафедралари ажралиб чиқди. Х Ҳамроева, О.К Барноев, Л.Х Намичкина ассистентлик лавозимига қабул қилинди. Терапевтик стоматологиянинг клиник базалари институт стоматология маркази, вилоят клиник стоматология поликлиникаси, вилоят болалар стоматология поликлиникаси.

Ҳозирги вақтда кафедрада ўқитувчилардан М.А Атоева, Л.Х Наврўзова, О.А Ражабов, Х.Х Ҳожиёв, Н.Н Хабибова, Д.И Тайлакова фаолият кўрсатмоқдалар. Айни маҳалда кафедрада 1 доцент, 2 тиббиёт фанлари номзоди, 5 ассистент меҳнат қилмоқда.

Кафедрада ҳозирги замонавий технология ва интерактив усуллар кенг қўлланилган ҳолда дарслар ўтилади. Кафедра ходимлари томонидан 31 та мультимедиа, 6 та видеофильм яратилган, 4 та ўқув дарслиги, 18 та услубий қўлланма, 68 та илмий мақола, 14 та тезислар чоп этирилган. Кафедра ходимлари Тошкент тиббиёт академияси, Россия, Украина, Қозоғистон ва Жанубий Корея Республикаси стоматология кафедралари билан ҳамкорликка илмий ва амалий ишлар олиб бормоқдалар.

Охириги йилларда Жанубий Кореянинг профессорлари билан ҳамкорлик аниқса кенгаймоқда. Хусусан, кариес ва пародонт касалликларини даволашнинг янги усулларини улар билан биргаликда ишлаб чиқдик Сеул, Пуссан университетлари профессорлари терапевтик стоматологиянинг ҳозирги замон янгиликлари тўғрисида институтимиз талабалари ҳузурида маърузалар ўқидилар, даволаш ишлари бўйича Бухоро вилояти аҳолисига имплантант қўйиш ва эндодонтия даволаш усулларини қўллаб, ўқитувчилар ва талабаларга кўрсатдилар, оғиз бўшлиги гигиенаси бўйича ҳамширалар тайёрлаш ва уларга сертификатлар беришни амалга оширдилар.

Шунингдек, Тошкент тиббиёт академиясининг терапевтик стоматология кафедраси билан ҳамкорликда Бухоро вилоятининг ташқи муҳитининг оғиз бўшлигига ва тиш қаттиқ

тўқималарига таъсири ва уларнинг олдини олиш муаммолари тўлиқ ўрганилиб, 2 та номзодлик диссертацияси ёқланди.



И.А.ХУДОЯРОВ,

Болалар стоматология кафедраси мудири, тиббиёт фанлари доктори, профессор:

—Болалар стоматология кафедраси 2003 йилда ташкил топган. Кафедра мудири этиб тиббиёт фанлари номзоди доцент М.Ф.Маматназарова тайинланган.Кафедрада М.Ч.Холов, Ш.Р.Турсунов, К.Р.Раҳматов, Н.Х.Ҳамроев, У.Ю.Эдишерашвили фаолият кўрсатганлар. 2008 йилдан бошлаб кафедрага мен раҳбарлик қилмоқдаман.

Ҳозирги кунда кафедрада О.Р.Турсунова, Л.И.Тўхтаева, О.О.Яриева, Л.Г.Жўраева ва Б.Х.Ҳамидов ишламоқдалар. Кафедра стоматология марказида жойлашган.

Кафедрамизда интерактив усуллар кенг қўлланилган ҳолда дарслар олиб борилади. Кафедра ходимлари томонидан 1 та дарслик 4 та ихтиро 30 дан ортиқ услубий қўлланма, 27 та илмий мақола 12 та тезис чоп этирилган ҳамда 4 та видеофильм, 28 та мультимедия яратилган.

Кафедра ходимлари Тошкент тиббиёт академияси болалар юз-жағ жарроҳлик кафедраси билан ҳамкорликда вилоятда юз-жағ нуқсонлари билан туғилган болаларда янги жарроҳлик усулларини қўллаб даволаш чораларини ишлаб чиқмоқдалар. Айни вақтда кафедрада 1 фан доктори, профессор, 1 фан номзоди, доцент, 3 ассистент ва бир неча клиник ординаторлар илмий изланишлар олиб бормоқдалар.



М.М.МИРЗАЕВ,

Ортопедик стоматология кафедраси мудири, тиббиёт фанлари доктори, доцент:

— Кафедра 1993 йилда ташкил топган. Кафедра мудири этиб М.М.Мирзаев тайинланган. Шу йили ортопедик стоматология мутахассислиги бўйича ассистентлик лавозимига Н.Б. Нуров, М.М.Мирзаев, О.Назаров, Ф.Э.Раҳимов, И.Эргашов, Ч.И. Хўжаназаров қабул қилинганлар. Ҳозирги кунда кафедрамизда Г.Э.Идиев, О.Н. Назаров, Ф.Б. Баротов, С.Ш. Олимов, А.А. Саидов, Ш.Н. Нурова, Н.Б. Саидова фаолият кўрсатмоқдалар. 2004-2006 йилларда кафедрамизда тиббиёт фанлари номзоди, доцент Г.Э. Идиев раҳбарлик қилган. 2006 йилдан ҳозирги кунгача мен бошқариб келмоқдаман. Айни маҳалда кафедрада 1 фан доктори, 2 фан номзоди ишлайди, 1 аспирант, 2 илмий изланувчи иш олиб бормоқда. Кафедранинг илмий фаолияти йўналиши: "Оғиз бўшлиғи ва юз-жағ соҳасидаги патологик жараёнларни регион экологияси билан боғлиқ ҳолда ўрганиш".

Ортопедик стоматология кафедрасида ҳозирги замонавий ўқув технологияси ва интерактив усулларни кенг қўллаган ҳолда дарслар ўтилади. Даволаш ишларида замонавий технологиялар асосида ёйли протезлар, қуйма коплама ва кўприксимон протезлар, икки қават асосли олиб қўйиладиган протезлар, эластик протезлар тайёрланмоқда. Кафедрада ҳозирги кунгача 42 та мультимедия, 8 та видеофильмлар яратилган, 1 та ўқув қўлланмаси, 1 та монография, 14 та услубий қўлланма, илмий журналларда 76 та мақола, 38 та тезислар чоп этилган.

Кафедра ходимлари Тошкент Давлат тиббиёт академияси, Россия, Жанубий Кореянинг Сеул, Пуссан университетлари билан ҳамкорлигда илмий ва амалий ишлар олиб бормокдалар.



А.Ш.ИНОЯТОВ,

Хирургик стоматология кафедраси мудири, тиббиёт фанлари номзоди, доцент:

— Кафедра 1994 йил Бухоро вилоят I-клиник касалхонаси юз-жағ жарроҳлик бўлимида ташкил топган. Кафедранинг биринчи мудири этиб М.Ш.Шодиев тайинланган. Кафедрада ассистентлар Р.Т.Жумаев, З.К.Рахимов, С.Р.Яхшиев ва Г.С.Самиевалар фаолият кўрсатганлар. 2008 йил кафедра мудири этиб мен тиббиёт фанлари номзоди, доцент А.Ш.Иноятов тайинланди.

Кафедрада ассистентлардан тиббиёт фанлари номзоди З.К.Рахимов, М.Ш.Шодиев, Ф.О.Ҳамидова, Л.Р.Жумаев, Ф.Р.Камалова ва Ш.К.Пўлатовалар фаолият кўрсатмоқда. Кафедрада 2 тиббиёт фанлари номзоди, 2 аспирант ва 2 изланувчи илмий -тадқиқот ишларини олиб бормоқда.

Кафедра ходимлари илмий салоҳиятини ошириш мақсадида 3 йўналиш бўйича илмий -тадқиқот ишларини олиб бормокдалар. Булар: пастки жағ синишларини янги замонавий усулда ташхислаш ва даволаш чоралари, туғма нуқсонларни эрта пластик операциялари ва уларнинг реабилитацияси, сўлак безининг ўткир яллиғланиш касаллигида “Бакстимс” препаратини қўллаш.

Кафедрада стоматология факультетининг III-IV-V курс талабалари хирургик стоматология фани бўйича, даволаш ва тиббий педагогика факультети V- курс талабалари

стоматология фани бўйича, олий ҳамширалик иши факультети II- курс талабалари стоматологияда ҳамширалик иши фани бўйича замонавий янги педогогик технологиялардан ва интерактив усулларида ҳамда мультимедиялардан кенг фойдаланилган ҳолда ўқитилмоқда.

Охирги йилларда кафедра аъзолари томонидан 31 та илмий мақола, 18 та тезис республика журналларида ва чет элларда чоп этилган, 9та услубий қўлланма, 1 та ўқув адабиётининг электрон версияси яратилган.

Кафедра ходимлари илмий анжуманларда ва жамоат ишларида актив иштироқ этмоқдалар.



Ҳ.К.МУХТОРОВА,

Психиатрия ва наркологиya кафедраси мудир, тиббиёт фанлари номзоди, доцент:

— «Психиатрия, наркологиya ва тиббий психологиya» кафедраси 1993 йилда ташкил қилиниб, тиббиёт фанлари номзоди, доцент Р.Р.Шакир-Алиев раҳбарлигида иш фаолиятини бошлаган. Кафедрада ассистентлардан Ҳ.К.Мухторова, Л.Ф.Абдуллаева, М.К.Кенжаевлар педагогик ва илмий изланишларни давом эттиришган. 1996-1999 йилларда Бухоро вилоят руҳий-асаб касалликлар диспансери бош врач тиббиёт фанлари номзоди Ҳ.С.Ҳамдамов кафедрага раҳбарлик қилган. 1998 йилда мен “Шизофрения касаллигига чалинган беморларни эпидемиологик жиҳатдан қиёсий ўрганиш” мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилиб, 1999 йилда танлов асосида “Психиатрия, наркологиya ва тиббий психологиya” кафедраси мудир этиб тайинландим.

2002 йилдан кафедра “Психиатрия ва наркология кафедраси” деб номланди. Кафедрада иқтидорли талабаларни клиник ординатурада ўқитиш йўлга қўйилди. Шу кунга қадар кафедрада 20 дан ортиқ клиник ординаторлар таҳсил олиб, вилоят психиатрия ва наркология хизматини яхшилашга салмоқли ҳисса қўшиб келмоқдалар. Шулар қаторидан, У.И.Қўчқоров, Н.Б.Мухаммадиева, Ҳ.А.Аминов, У.Т.Рустамовлар кафедра ассистенти лавозимида фаолият кўрсатмоқдалар.

Кафедрада ўқув ишлари ҳозирги замон талабига асосан, янги педагогик технологиялардан фойдаланилган ҳолда олиб борилмоқда. Маъруза ва амалий машғулот дарсларида мавзуларга оид мультимедиялар ва услубий қўлланмалардан фойдаланилади, интерфаол усуллар ёрдамида талабалар билими мустаҳкамланади ва баҳоланади. Психиатрия ва наркология соҳасидаги долзарб муаммо ҳисобланган маърузалар институтнинг масофадан ўқитиш хонасида очик маърузалар шаклида режа асосида ташкил қилинади. Кафедра ходимлари талабалар билан республика ва вилоят миқёсида ташкил қилинган илмий-амалий анжуманларда мунтазам иштирок этиб келмоқдалар.

(китобнинг давоми 3-қисмида)

<http://buhmi.fan.uz/tematik/tematik1/tarix/tarix1.htm>

